



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 7 » iyun

№ 311

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва химояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Зарарли ва хавfli организмларга қарши фитосанитария тадбирларини ўтказиш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулудда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ташқи иқтисодий фаолият, давлатлараро чегара маскан (пункт)лари ҳамда почтамтдаги ўсимликлар карантини маскан (пункт)лари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятга эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 7 ” июнда ги ЗІІ -сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси  
агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), унинг таркибий бўлинмаларининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ва ҳисобот беришини ташкил этиш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Агентлик ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари (кейинги ўринларда - ҳудудий бўлинмалар), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот институти), “Биосифат” республика маркази, Республика агрокимёвий таҳлил маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари (кейинги ўринларда - ҳудудий хизматлар) юридик шахслар ҳисобланади.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазначилик ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига ҳамда фитосанитария рамзига эга бўлади.

9. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, қисқартирилган номи – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги;

б) инглиз тилида: Agency of Plant Protection and Quarantine of the Republic of Uzbekistan; қисқартирилган номи – Agency of Plant Protection and Quarantine;

в) рус тилида: Агентство по карантину и защите растений Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Агентство по карантину и защите растений.

10. Агентликнинг жойлашган манзили (почта манзили): 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур 1-тор кўчаси, 17-уй.

## **2-боб. Агентлик тузилмаси**

11. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда - туман (шаҳар) бўлимлари);

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — илмий-тадқиқот институти) ва унинг минтақавий филиаллари;

“Биосифат” республика маркази;

Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари.

Агентлик, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизматининг ягона тизимини ташкил қилади.

## **3-боб. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

### **1-§. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

12. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга оширади;

тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларининг дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлилларини ўтказиши;

ўсимликлар карантини ва ҳимоясида прогноз тизимини такомиллаштириш, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали усуллари белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш чораларини кўради;

ўсимликлар клиникалари ва биологический лабораториялар тизимини ривожлантиради ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологический воситалари ҳамда минерал ва микробиологический ўғитларнинг биологический самарадорлиги бўйича синовларни ташкил қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ва биологический воситалардан фойдаланиш соҳасида норматив ҳужжатлар, регламент ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда кимёлаштириш ва биологический воситалар реализацияси билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

фитосанитария хавфсизликни таъминлашда илмий, методик ва таълим имкониятларини ривожлантириш, инновацион ишланмалар натижалари, режалаштириш ва бошқарув усуллари амалиётга жорий қилиш, илғор технология ҳамда иш услубларининг илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар фитосанитария амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш, соҳа ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этади.

13. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш соҳасида:*

Вазирлар Маҳкамасига ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё ягона давлат сиёсатини юритишга қаратилган таклифларни, ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлат дастурларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритади;

ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради, юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган йўриқномалар, ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларини белгиланган тартибда тасдиқлайди ҳамда уларни ташкилотлар ва фуқароларга етказиши;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари, шу жумладан, ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талаблари бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа давлатлар билан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган тадбирлар ўтказилишини ташкиллаштиради ва ижроси бўйича назоратни амалга оширади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган комплекс профилактика чора-тадбирларини белгилайди ва бажарилиши бўйича давлат назоратини амалга оширади;

хорижий давлатлардан карантин остидаги маҳсулотлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар олиб кириладиган чегара масканларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Агентлик ваколатига кирадиган соҳалар юзасидан хизмат текширувларини белгиланган тартибда ташкил этади ва ўтказиши, шунингдек, фавқулодда вазиятларда бошқа давлатлар ҳудудида ўтказиладиган ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимёга доир хизмат текширувларида иштирок этади;

танлаб олиш асосида ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида назоратни ўтказиш имконини берадиган алоҳида хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимларини жорий этади ва мунтазам янгилаб боради;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлайди;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятга эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхатини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган экиш материаллари, карантин остидаги маҳсулотлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудлари рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши тақиқланган карантин остидаги маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлайди;

ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ва фитосанитария чораларини амалга ошириш тартиби, услублари ва тавсияларини тасдиқлайди;

ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳужжатларни - карантин рухсатномасини, минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатномани,

фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини ва реэкспорт учун фитосанитария сертификатини, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани, карантин кўриги далолатномасини беради;

олиб кириладиган ва жўнатиладиган, карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар ташувчилари бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар турлари, уруғликлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва тупроқ ва бошқа материалларни карантин текширувидан ўтказди;

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё йўналишида белгиланган тартибда лаборатория экспертизасини ўтказди;

карантин остидаги маҳсулотга, уни олиб киришга, олиб чиқишга, ишлаб чиқаришга, қайта ишлашга, сақлашга, ташишга, реализация қилишга ва йўқ қилишга доир талабларни белгилайдиган, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган фитосанитария талабларини тасдиқлайди;

уруғликлар, ўсимликлар, ўсимлик хомашёси, бошқа ўсимлик маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарларини мамлакат ичида ташиш, экспорт қилиш учун олиб чиқишнинг карантин қоидаларини ҳамда улардан фойдаланиш шартларини тасдиқлайди;

зарур бўлганда, жисмоний ва юридик шахсларга ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишда ёрдам бериш учун ихтисослаштирилган зарарсизлантириш (фумигация) отрядларини тузади;

республика ҳудудларини карантин бўйича ҳудудларга ва микроҳудудларга ажратади;

Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли ҳудудда карантин ўрнатиш (уни бекор қилиш) тўғрисида тақдимномалар юборади;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни соғломлаштиришни, шунингдек, бошқа давлатлар ҳамда карантин назоратида деб эълон қилинган ҳудудлардан келадиган транспорт воситаларини Ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда – ТИФ) маскани ёки махсус жойларда зарарсизлантириш (фумигация)ни ташкил этади;

назорат қилинадиган ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинлар, ўсимлик маҳсулотлари сақланадиган ва қайта ишланадиган жойларда назорат текширувларини ўтказди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотларнинг буюртмаларини мувофиқлаштиради;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг мониторингини ташкил қилади;

халқаро ташкилотлар ва давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

ўсимликлар ҳимояси соҳасидаги халқаро дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этади;

давлат фитосанитария назоратини амалга оширади;

ўз ваколати доирасида стандартлаш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади, шунингдек, стандартлаш бўйича давлат стандартлари, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, техник-иқтисодий ахборотлар миллий классификаторлари ва тавсияларни ўзгартириш, қайта кўриб чиқиш ҳамда бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади;

ўсимликлар ҳимояси соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, ўсимликлар ҳимояси бўйича ўқув дастурларига мувофиқ мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлайди;

*б) тупроқ агрохимёвий таҳлилларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицид, нитрат ҳамда оғир металл тузлари қолдиқларининг дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлилларини ўтказиш соҳасида:*

ерларнинг агрохимёвий ҳолати асосида қишлоқ хўжалиги ҳудудларини ривожлантириш соҳасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият фаолиятига методик раҳбарлик қилади;

агрохимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, агрохимёвий таҳлил инфратузилмасини модернизация қилиш ва техник янгилаш чора-тадбирларини амалга оширади;

ваколатли органлар билан биргаликда тупроқ, минерал ўғитлар, радиологик ва токсикологик тадқиқотларнинг лаборатория таҳлилларини ўтказиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади;

тупроқни агрохимёвий текшириш қоидаларини, тупроқнинг агрохимёвий таҳлилинини ўтказиш дастурини тасдиқлайди, қишлоқ хўжалиги ерларининг агрохимёвий ҳолати тўғрисидаги ахборотни маълумотлар банкига киритиб боради;

ерларнинг агрокимёвий ҳолатини кузатиш ва баҳолашда Республика агрокимёвий таҳлил марказининг хизматлар кўрсатиш тарифлари қоидаларини тасдиқлайди;

минерал ўғитларга қўйиладиган илмий талабларни ва уларни қишлоқ хўжалиги экинларига татбиқ этишни тасдиқлайди;

лабораторияларни халқаро стандартлар талабларига мослаштириш ва улар белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

агрокимёвий таҳлил лабораториялари, биолобораториялар, ўсимликлар клиникалари ва тупроқ клиникаларида ISO/IEC 17025 халқаро стандарти талабларини татбиқ этади;

тупроқдаги озик моддаларнинг даражасини ўрганиш ва яхшилаш соҳасида фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб боради;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини такомиллаштириш, агрокимёвий таҳлил соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирларини амалга оширади;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан тажриба алмашиш ва малака ошириш соҳасида ҳамкорлик қилади;

ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи кимёвий моддаларни уларнинг ўрнини босувчи моддалар билан халқаро талабларга мувофиқ босқичма-босқич алмаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

*в) ўсимликлар карантини ва ҳимоясида прогноз тизимини такомиллаштириш, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали усулларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш соҳасида:*

республика ҳудудида сезиларли иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг фитосанитария хавф таҳлилининг ўтказиши ва улар кириб келишининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган фитосанитария тадбирларини ишлаб чиқади;

республика ҳудудида ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа хавфли ўсимлик зараркунандаларининг тарқалишини аниқлайди ва прогнозлаштиради, шунингдек, уларга ташхис қўяди ҳамда қарши курашнинг экспресс усулларини ишлаб чиқади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши кураш усулларини тасдиқлаш, улардан холи ҳудудларни аниқлаш, улар тарқалишининг олдини олади ҳамда уларга қарши курашиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва тегишли органларга тақдим этади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганади, уларга қарши курашишнинг инновацион усулларини ва энтомофагларнинг янги турларини иқлимлаштириш асосларини ишлаб чиқади;

республика ҳудудида етиштирилган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидаги зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларни барвақт аниқлаш, биоэкологик хусусиятларни ўрганиш ва зарарланиш даражасига қараб курашиш усулларини такомиллаштириш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар хорижий давлатлар карантин фитосанитария талабларига мос келмаган ҳолатларда уларни текширади;

хорижий давлатлардан кириб келган ёки транзит тарзида олиб ўтиладиган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасининг фитосанитария карантин талабларига мос келмаганда халқаро стандартларга мувофиқ чоралар кўради ва бу ҳақида тегишли хорижий давлат карантин хизматини хабардор қилади;

хорижий давлатларнинг тегишли идоралари билан фитосанитария зоналари тўғрисида халқаро шартномалар тузиш ва уларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади;

хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари билан ўсимликлар карантини ва фитосанитария хавфсизлиги тўғрисида зарур ахборотларни алмашади;

хорижий давлатларнинг соҳадаги миллий ташкилотларини ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларга қўйиладиган талаблар ва ўсимликлар карантини бўйича хорижий давлатлар органлари томонидан уларга нисбатан белгиланган чекловлар тўғрисида хабардор қилади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши фитосанитария тадбирларини ўтказиш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети параметрлари доирасида қўшлаб берилишини таъминлайди.

*г) ўсимликлар клиникалари ва биологаториялар тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

ўсимликлар клиникалари мониторингини юритади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўсимликлар клиникалари ҳузурида мажбурий бўлган кимёвий, биокимёвий, биологик, механик воситалар, қурилмалар ва препаратларнинг минимал ассортиментни рўйхатини тасдиқлайди;

агроном-инспекторнинг тавсияси ва рецепти асосида сотиладиган минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар рўйхатини тасдиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар ва ўсимликлар клиникалари ходимларини сертификатлашни ташкил қилади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашнинг биологик усулини кенг қўллаш чораларини кўради;

биолаборатория фаолиятини мониторинг қилади ва мувофиқлаштиради;

халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, биологик ҳимоя соҳасида замонавий инновацион технологиялар ва усулларни жорий этади;

*д) ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари ҳамда минерал ва микробиологик ўғитларнинг биологик самарадорлиги бўйича синовларни ташкил қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ва биологик воситалардан фойдаланиш соҳасида норматив ҳужжатлар, регламент ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда кимёлаштириш ва биологик воситалар реализацияси билан шугулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари (пестицидлар) хавфсизлиги бўйича махсус техник регламентларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва пестицидларни рўйхатга олишни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида фойдаланишга рухсат этилган зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик воситалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсиши регуляторлари рўйхатини юритади ва бир йилда камида бир марта эълон қилиб боради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг фаол ва нофаол моддаларидан фойдаланишда тақиқланган ҳамда чекланган реестрни юритади;

рўйхатга олиш синовларини ташкил қилади (кичик ва ишлаб чиқариш);

республика ҳудудида бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган пестицидларни ўсимликлар карантини соҳасидаги мониторинг маълумотлари ва ҳозирги фитосанитария ҳолатига қараб тақсимлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар (пестицидлар)нинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар беради;

пестицидларни ишлаб чиқариш, сотиш, пестицидларни аэрозол ва фумигация усуллари билан ишлатиш бўйича малака талабларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишган ҳолда рўйхатга олиш (кичик ва ишлаб чиқариш) тестларини ўтказиш ва пестицидларни давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг фаол ва нофаол моддаларидан фойдаланишда тақиқланган ҳамда чекланган реестрни юритади;

республикага олиб кириладиган минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларнинг сифати назоратини ташкил қилади, улардан фойдаланиш бўйича хулосалар беради ва инсон саломатлиги ҳамда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатилса, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўяди;

ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишда биомахсулотларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида республикада фаолият юритувчи биологик лабораторияларда етиштириладиган биомахсулотларга мувофиқлик сертификати берилишини таъминлайди ва “Биосифат” республика марказининг хизматлар кўрсатиш тарифлари қоидаларини тасдиқлайди;

*е) фитосанитария хавфсизликни таъминлаш соҳасида илмий, методик ва таълим имкониятларини ривожлантириш, инновацион ишланмалар натижалари, режаслаштириш ва бошқарув усулларини амалиётга жорий қилиш, илғор технология ҳамда иш услубларининг илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар фитосанитария амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш, соҳа ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш соҳасида:*

истеъдодли ёш олимлар, магистрлар, доктарантларнинг ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш бўйича самарали тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини етиштирувчи кластерлар, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, ўсимликлар клиникалари, биологик лабораториялар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўсимликлар ҳимояси соҳаси мутахассислари малакасини ошириш ҳамда уларга сертификат бериш фаолиятини йўлга қўяди;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасига илм-фандаги ютуқларни ва илғор тажрибаларни жорий қилади, шунингдек, аҳолини карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари билан тизимли таништириш ишларини амалга оширади;

Ўсимликлар маҳсулотлари ва бошқа материалларнинг яширин зарарланганини карантин кўригидан, лаборатория экспертизасидан ўтказиши ва аниқлайди ҳамда зарарсизлантириш усуллари ишлаб чиқади;

республика ҳудудида мавжуд бўлмаган ва чекланган даражада тарқалган зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ҳамда бегона ўтларнинг турлари ва биоэкологиясини ўрганади;

илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибани, инновацион услублар, карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш воситалари ҳамда усуллари тарғиб қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳоли ўртасида карантиндаги объектлар тўғрисидаги билимни оммалаштириш ишларини ташкил этади;

Агентликда яратилган “e-Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизимига бошқа автоматлаштирилган ахборот тизимларини интеграция қилиш ишларини амалга оширади;

халқаро ташкилотларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича республика манфаатларини ифода этади;

фитосанитария хавфсизлиги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича халқаро ташкилотлар, конференциялар ҳамда семинарларда иштирок этади;

ходимларнинг карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш бўйича касб даражасини мунтазам оширишга қаратилган тизимли ишлар бажарилишини таъминлайди;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати кадрларини тизимли асосда қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилади, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ишлаш шакллари ҳамда услубларини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

## **2-§. Агентлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари**

14. Қуйидагилар Агентлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари ҳамда таркибий тузилмалари билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажаради;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш, ушбу йўналишда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

ўсимликлар карантини соҳасида илмий, методик ва таълим имкониятларини ҳар томонлама кенгайтириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фитосанитария амалиётига фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари, инновацион ишланмалар жорий этилишини мувофиқлаштиради;

халқаро ҳамкорликни кенгайтиради, ўсимликлар карантини соҳасида хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганади, карантин хизмати фаолиятига илғор технологиялар ҳамда иш услубларини жорий этади;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармасига маблағлар тушиши ва сарфланишини таҳлил қилади ҳамда ҳисобга олади;

Агентлик тизимидаги ташкилотларнинг самарали фаолият юритишини ташкил этади ва уларни ривожлантириш истиқболларини белгилайди.

15. Агентлик марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Агентлик фаолияти ва унинг раҳбариятини ташкилий ҳамда таҳлилий ахборот билан таъминлайди;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг кириб келиши, тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ва бартараф этиш, уларга қарши курашиш тадбирларини ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш бўйича комплекс тизимни ишлаб чиқишга қаратилган чораларни кўради;

карантин лаборатория ишини ташкил қилади, республикада бундай лабораториялар тармоғини шакллантириш чораларини кўради;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишнинг инновацион, самарали ва илғор усуллари, ўсимликлар карантини соҳасидаги долзарб ютуқлар тарғиб қилинишини ўрганади, уларнинг қўлланилишини назорат қилади;

ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятига илғор технологиялар ва иш усулларини жорий қилади;

халқаро ҳамкорлик, халқаро муносабатларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш соҳасида Агентлик фаолиятини таъминлайди;

марказий аппарат таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади, уларнинг мунтазам такомиллаштирилиши ҳамда янгиланишини таъминлайди;

Агентлик бош директорининг буйруқлари ҳамда фармойишларини ўз ваколати доирасида амалга оширади;

карантин рухсатномасини беради;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни химоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар беради;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни химоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рухсатномалар беради;тадбиркорлик субъектларига Агентлик томонидан амалга ошириладиган рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича ахборот, методик, ташкилий ҳамда маслаҳат ёрдамани кўрсатади;

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳужжатлар сифатли ҳамда ўз вақтида ишлаб чиқилишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил қилади;

худудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти фаолиятига раҳбарлик қилади ва мувофиқлаштиради;

Агентлик фаолиятини, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш соҳасида ҳуқуқий таъминлашни ташкил этади;

бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ўсимликлар карантини, химояси ва агрокимё, шунингдек, фитосанитария хавфсизлиги соҳасида ривожланиш тенденциялари тўғрисида Агентлик раҳбарияти учун ахборот тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ва Агентлик ваколатига кирадиган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

### **3-§. Худудий бўлинмаларнинг вазифалари ва функциялари**

16. Қуйидагилар худудий бўлинмаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли худудда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажаради;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, худудий прокуратура органлари, ички ишлар органлари ва давлат солиқ хизматининг раҳбарлари раҳбарлик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан (кейинги ўринларда – комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари) ўзаро ҳамкорлик қилади;

карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлайди, уларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ҳамда йўқ қилишни ташкил этади, шунингдек, республиканинг улар мавжуд бўлмаган худудларига кириб боришининг олдини олади;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда фитосанитария талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, қўриқхоналар, табиий боғларнинг қўриқланадиган ҳудудлари ва давлат биосфера резерватлари, ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жойлари, ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар олиб кириладиган масканлар ва уларга туташ ҳудудлар назорат текширувларидан тизимли ўтказилишини ташкил этади;

аниқланган зарарланиш ўчоқлари кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш, шунингдек, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар кириб келадиган йўللарни аниқлаш ва тўсишга доир шошилиш чоралар кўради;

республикага хорижий давлатлардан келадиган маҳсулотларни соғломлаштириш, шунингдек, транспорт воситаларини ТИФ маскани ёки махсус жойларда зарарсизлантириш (фумигация)ни назорат қилади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг хорижий давлатлардан республика ҳудудига кириб келишидан ҳимоя қилади;

олиб кирилаётган, олиб чиқиладиган ва транзит тарзида олиб ўтиладиган карантин остидаги маҳсулотлар ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларига мувофиқлигини назорат қилади;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳужжатларни, хусусан, транспорт бирликларини очиш тўғрисидаги далолатномани, карантин кўриги далолатномасини, фитосанитария сертификатини, ички фитосанитария сертификатини ва реэкспорт учун фитосанитария сертификатларини расмийлаштириб беради;

тегишли органлар ва ташкилотларни чегараолди ҳудудларда, қўшни давлатларда юзага келган карантин ҳолати тўғрисида хабардор қилади, ўсимликлар карантинига доир тадбирларни амалга оширади ҳамда зарур тавсиялар беради;

қишлоқ хўжалиги ва карантин остидаги маҳсулотларни бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга ташишда фитосанитария талаблари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда шу йўналиш бўйича ўсимликлар карантинига доир тадбирлар бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга ташхис қўйиш мақсадида лаборатория текширувлари ва бошқа текширувлар ўтказилишини ташкил этади;

ўсимликлар карантини қоидаларига номувофиқлик ва фитосанитария талаблари бузилганлиги фактлари аниқланганда темир йўл вагонларидан,

кемалардан, самолётлардан ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга доир тақиқ ўрнатади;

олиб кириладиган, олиб чиқилаётган ва транзит тарзида олиб ўтиладиган карантин остидаги маҳсулотларнинг ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларига номувофиқлиги аниқланганда карантини остидаги маҳсулотни вақтинча ушлаб туриш, олиб қўйиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш тадбирларини амалга оширади;

хорижий тажриба ҳисобга олинган ҳолда ўсимликлар карантини ва ҳимояси ҳамда фитосанитария хавфсизлиги тизимидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар киритади;

ўсимликлар карантини соҳасида пуллик хизматлар кўрсатишда тариф сиёсатини шакллантиришга доир таклифлар тайёрлайди;

марказий аппарат номенклатурасига киритилган лавозимларга кадрларни танлайди ва тавсия этади;

худудий бўлинмаларнинг ўсимликлар карантини соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжларини ўрнатади, шунингдек, ушбу масала юзасидан аниқ таклифлар киритади;

худудий бўлинмалар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя этишни таъминлайди.

17. Худудий бўлинмалар ўзларига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ҳамда бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, давлат ўрмон фонди, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жойлари, ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар олиб кириладиган масканлар ва уларга туташ ҳудудларни назорат текширувларидан ўтказди;

аниқланган зарарланиш ўчоқлари тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш, шунингдек, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар кириб келадиган йўللарни аниқлаш ва тўсиш ишларини амалга оширади;

тегишли органлар ва ташкилотларни чегара олди ҳудудлар, чегарадош давлатларда юзага келган карантин вазияти тўғрисида хабардор қилади, карантин тадбирларини амалга оширади ва зарур тасвиялар беради;

ўсимлик клиникалари мониторингини олиб боради;

давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларга зарур фитосанитария талабларини бажариш, шунингдек, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, кимёвий ҳимоя воситалари ҳамда минерал ўғитларни сотиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши ҳақида тақдимномалар юборади;

Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш ҳужжатлари, фитосанитария сертификати, ички фитосанитария сертификати, реэкспорт фитосанитария сертификати ва бошқа ҳужжатлар берилишини ташкил қилади;

Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларни, зарурат бўлганда эса республикага хорижий давлатлардан келадиган транспорт воситаларини ТИФ маскани ёки махсус жойларда зарарсизлантириш (фумигация) ишларини амалга оширади, ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар учун фитосанитария сертификатлари, реэкспорт фитосанитария сертификатлари ва бошқа ҳужжатларнинг реестрини юритади;

карантин остидаги маҳсулот олиб кирилаётганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётганда, олиб чиқиётганда транспорт воситаларидаги ва бўш омборлардаги фумигация ишлари фақат Агентликнинг зарарсизлантириш (фумигация) бўлимлари томонидан амалга оширилади ва уларнинг якуни бўйича зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан карантин хусусиятидаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда ўзаро ҳамкорлик қилади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда фитосанитария хавфсизлигини таъминлаш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш чораларини кўради;

аҳолини ҳудудий бўлинмалар фаолияти ҳақида хабардор қилиш ишларини ташкил қилади ва тизимли асосда амалга оширади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудудий бўлинмалар ваколатига киритилган масалалар юзасидан мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда зарур чоралар кўради;

жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини таҳлил қилади, интерфаол “қайта алоқа” ва “виртуал қабулхона” механизминини жорий этади;

юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш доирасида йиллик, чораклик ва ойлик иш режалари, шунингдек, аниқ йўналишдаги ишлар бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда Агентлик билан белгиланган тартибда келишади;

Агентлик ҳайъати ва илмий-техник кенгашлари иш режаларини тайёрлашда иштирок этади;

Аҳолини ўсимликлар карантини ва ҳимояси фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва аниқ натижалари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

Ҳудудий бўлинмалар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

#### **4-§. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимларининг вазифалари ва функциялари**

18. Куйидагилар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) бўлимлари)нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли туман (шаҳар) ҳудудида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни самарали амалга оширади;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, юқори турувчи раҳбарият топшириқларини бажаради;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан ҳамкорлик қилади;

ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар, маълумотлар ва статистика маълумотлари ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликлар карантини ва ҳимояси қоидалари ва фитосанитария талабларига риоя қилиниши бўйича давлат назоратини олиб боради;

ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритади ва фитосанитария дала назоратини амалга оширади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг тарқалишига йўл қўймаслик чорасини кўради;

зарур бўлганда жисмоний ва юридик шахсларга ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишда ёрдам бериш учун зарарсизлантириш (фумигация) бўлимларини жалб қилади ва уларнинг ишини ташкил қилади;

қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилишни, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларини дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлиллардан ўтказишни ташкил этади;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича прогноз олиб боради, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали усулларини белгилайди ҳамда ижросини назорат қилади;

ўсимликлар клиникалари ва биолабораториялар билан ҳамкорликдаги тизимли ишларни олиб боради;

ўз фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни, ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоясини таъминлайди.

Туман (шаҳар) бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазибаларни ҳам бажариши мумкин.

19. Туман (шаҳар) бўлимлари уларга юкланган асосий вазибаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказиш бўйича календарь (ишчи) режалар тузади;

ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар, маълумотлар ва статистик маълумотларни юритади;

карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда ички фитосанитария сертификатини расмийлаштириб беради;

туман (шаҳар) ҳудудларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда карантиндаги ҳудуд ва микроҳудудларни белгилайди;

давлат инспекторлари ваколатларига кирадиган масалалар бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

республикада ўсимликлар карантини аҳамиятига эга зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар тарқалишини назорат қилади;

уруғлик, ўсимлик, ўсимлик хомашёси, бошқа ўсимлик маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарларини мамлакат ичида ташиш, экспорт қилиш учун олиб чиқишнинг карантин қоидалари ҳамда улардан фойдаланиш шартларига риоя этилишини назорат қилади;

карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлардан холи уруғлик ва экиш материаллари етиштирилишини таъминлаш мақсадида кўчатхоналар, илмий-тадқиқот муассасалари ва манзарали-гулчилик хўжаликларида экинлар ҳамда кўчатларни назорат қилади;

ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларининг фитосанитария тозалигини таъминлаш, ўтказиладиган лаборатория текширувлари хулосаларини олиш асосида ўрмонлар, қишлоқ хўжалиги экинларида карантиндаги зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар борлиги ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида дала назоратини амалга оширади;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши кураш ишларини ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ҳудудларда ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг тарқалган майдони, зарар етказиш даражасини ўрганиш юзасидан тизимли мониторинг юритади ҳамда уларга қарши кураш бўйича аниқ тадбирларни белгилайди;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлардан агротехник, кимёвий, биологик ва бошқа воситалар билан ҳимоя қилиш бўйича профилактик ва фитосанитария тадбирлари мажмуасининг бажарилишини таъминлайди;

фитосанитария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ва экин ҳосилдорлиги йўқотилишларининг олдини олиш мақсадида ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашда прогрессив технология ва энг илғор амалиётларни жорий этади;

уруғлик ва экиш материалининг энтофитопатологик ҳолати устидан назоратни таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаш учун моддий-техника воситалари, махсус кийимлар, шахсий ҳимоя воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш, тўғри сақлаш ва ҳисобга олишни ташкил этади, улардан оқилона фойдаланишни таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаш қоидаларини ходимларга ўргатиш ишларини олиб боради;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади;

ўз фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади, ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоясини таъминлайди.

Туман (шаҳар) бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

#### **4-боб. Агентлик, унинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

##### **1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

20. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраб олиш;

вазирликлар, идоралар, шу жумладан, давлат статистика органларидан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур маълумотларни, хусусан статистика ахборотларини бепул олиш;

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларга бириктирилган давлат мулкани ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бир бўлинмадан иккинчисига белгиланган тартибда ўтказиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати ходимлари ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрларини бажаришини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ҳамда шартларини белгилаш;

Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳайъат мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқароларга ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар юбориш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига фитосанитария хавфсизлиги ҳамда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаш учун таклифларни Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

ўз ваколоти доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, зарур ҳолларда давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича белгиланган тартибда қўшма қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар қабул қилиш;

ўз ваколоти доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш ҳамда уларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда қатнашиш;

ижтимоий шериклик доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини соҳани ривожлантириш дастурлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан битим ва шартномалар тузиш, қўшма лойиҳалар ва режалар ишлаб чиқиш, қўшма тадбирлар ташкил этишга қаратилган маслаҳатлашувлар ҳамда музокаралар ўтказиш;

фитосанитария хавфсизлиги ҳамда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасида ахборот-таҳлил ҳамда эксперт ишларини амалга ошириш учун илмий-тадқиқот, технологик, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари, шунингдек, олимлар ва малакали мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик олимлар ҳамда мутахассисларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб этиш;

хорижий давлатларнинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи вазирликлари (идоралари), халқаро ташкилотлар, молия институтлари, илмий-тадқиқот институтлари, фирма ва компаниялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчихоналари ва миссиялари, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда мажлислар ва видеоконференциялар ўтказиш;

фитосанитария хавфсизлиги ҳамда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро агентликлар ва комиссиялар ишида иштирок этиш;

хорижий давлатларнинг фитосанитария хавфсизлиги ҳамда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё ташкилотлари, идоралари, агентликлари ва бошқа турдош тузилмалари билан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ идоралараро шартномалар (битимлар, протоколлар, меморандумлар) тайёрлаш ҳамда тузишда иштирок этиш;

Агентлик ва унинг ташкилотлари моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

Агентликнинг бош директори ҳамда унинг ўринбосарлари Агентлик номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллаш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Агентлик қуйидагилар учун жавоб беради:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, фитосанитария хавфсизлиги ҳамда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

республика ҳудудида ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

иктисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларнинг хорижий давлатлардан республика ҳудудига кириб келишидан ҳимоя қилиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва йўқ қилишни ташкил этиш, шунингдек, республиканинг улар мавжуд бўлмаган худудларига кириб боришининг олдини олиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича барча тадбирларнинг ўтказилиши, бу борадаги зарур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлаш, уларни амалга оширишнинг якуний натижалари ва оқибатлари, шунингдек, Агентлик қабул қиладиган қарорлар сифати;

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва соҳадаги муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг сифатли амалга оширилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш.

## **2- §. Агентлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

22. Агентлик марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва бошқа идоравий мансуб ташкилотлардан Агентлик марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалаларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш ҳамда ишлаб чиқиш учун зарур материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

зарур бўлганда Агентликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун худудий бўлинмалар ва илмий-тадқиқот институти ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларини белгиланган тартибда жалб қилиш, ушбу мақсадларда эксперт ҳамда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

худудий бўлинмалар ва илмий-тадқиқот институти ва тизим ташкилотларидан улар киритган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишни талаб қилиш, зарур бўлганда уларни мукамал тайёрлаш учун қайтариш;

худудий бўлинмалар ва илмий-тадқиқот институти ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари билан мажлислар ўтказиш;

худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларига Агентликка юкланган ҳамда тезкор ҳал этишни талаб этадиган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари, шунингдек, Агентлик ҳамда унинг раҳбарияти ҳужжатлари ва топшириқларини бажариш бўйича фаолиятини ўрганиш ҳамда текшириш;

фитосанитария хавфсизлиги ва ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ материалларни ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда юбориш;

худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

Агентлик тизимида бюджет маблағларидан оқилona фойдаланишни тизимли назорат қилиш, худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш.

Агентлик марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 23. Агентлик марказий аппарати қуйидагилар учун масъул:

Агентлик тузилмасига кирадиган ташкилотлар билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг кириб келиши, тарқалиши, шунингдек, кенгайишига йўл қўймаслик ва уларни бартараф этишга доир комплекс тизимни ишлаб чиқиш, уларга қарши курашиш тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилиши;

минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдоси фаолиятини лицензиялаш ва ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича комплекс тизимни ишлаб чиқиш;

Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш ишларини ташкил этиш;

Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентлик қабул қиладиган қарорларни тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш сифати;

Агентликнинг таркибий бўлинмалари ва марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари томонидан ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини тартибга солиш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда уларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар амалга оширилишини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавfli зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларнинг хорижий давлатлардан республика ҳудудига кириб келишидан ҳимоя қилиш;

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё бўйича барча тадбирларнинг ўтказилиши, бу борадаги зарур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини таъминлаш;

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасидаги қонунчилик ижросини назорат қилишни таъминлаш;

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасида тариф сиёсатини ва кўрсатиладиган хизматларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

таркибий бўлинмалар, марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг кадрлар салоҳиятини шакллантириш;

ўсимликлар клиникалари, биолобаториялар фаолияти мониторингининг самарали тизимини ташкил этиш.

### **3-§. Ҳудудий бўлинмаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

24. Ҳудудий бўлинмалар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан бошқармалар ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраб олиш;

соҳадаги ҳудудий бўлинмалар ваколатига кирадиган муҳим муаммоларни кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашларни ҳудудий даражада ташкил этиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ҳудудий бўлинмалар ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат бошқаруви ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ислохотларни амалга ошириш масалаларини кўриб чиқишга бағишланган мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахсларга ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни белгиланган тартибда юбориш;

давлат бошқаруви ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарларини ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича таклифларни Агентликка кўриб чиқиш учун киритиш;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш учун мўлжалланган ва таркибида ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар бўлган юкларни текшириш, улар ўсимликлар карантини объектлари билан зарарлангани ёки зарарланмаганини аниқлаш ва зарур бўлганда визуал текшириш, намуналар олиш ҳамда текшириш ва бошқа усуллар орқали юклар ҳолатини тасдиқлаш;

Агентликнинг ҳайъати ва илмий-техник кенгаши ишларида иштирок этиш;

Агентлик топшириғига биноан ўсимликлар карантини соҳасидаги масалалар бўйича мажлислар ва семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

ҳудудий бўлинмаларнинг моддий-техника базасини яхшилашга доир таклифларни Агентликка киритиш;

ҳудудий бўлинмалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан даъвогар ва жавобгар бўлиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ материалларни ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда юбориш;

Агентликка ахборот тақдим этиш, ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этишга кўмаклашиш;

олиб кириладиган, олиб чиқилаётган ва транзит тарзида олиб ўтиладиган карантин остидаги маҳсулотларнинг ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларига номувофиқлиги аниқланганда карантини остидаги маҳсулотни вақтинча ушлаб туриш, олиб қўйиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш тадбирларини амалга ошириш;

худудий бўлинмалар бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари Агентлик номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллаш;

давлат инспекторлари ўз ваколатларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни кўриш ва баённомалар тузиш;

фитосанитария хавфсизлиги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида истеъдодли ва малакали ёш кадрларни жалб этиш.

Худудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Худудий бўлинмалар қуйидагилар учун жавоб беради:

Агентликнинг худудий бўлинмаларига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

иктисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркундалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларнинг хорижий давлатлардан фаолият юритаётган худудларга кириб келишидан ҳимоя қилиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зараркундалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш, тарқалишига йўл қўймаслик ва бартараф этишни ташкил этиш, шунингдек, республиканинг улар мавжуд бўлмаган худудларига кириб боришининг олдини олиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича барча тадбирларнинг ўтказилиши, бу борадаги зарур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати инспекторларининг Ўзбекистон Республикасига хорижий давлатлардан олиб келинадиган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларни республика худудидаги масканларда текшириш;

карантин рухсатномаси берилган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар турларининг фитосанитария тозалиги;

фитосанитария сертификати берилган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулот турларининг фитосанитария тозалиги;

худудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича барча тадбирларнинг ўтказилиши, бу борадаги зарур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида фаолият юритаётган ҳудудда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлаш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчилик ижроси назоратини таъминлаш, уни бузиш ҳолатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ўз ваколати доирасида тегишли чоралар кўриш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида тариф сиёсатини ва кўрсатиладиган хизматларни ҳисобга олиш тизимининг такомиллаштирилиши.

#### **4-§. Туман (шаҳар) бўлимларининг ҳуқуқ ва жавобгарлиги**

26. Туман (шаҳар) бўлимлари ўзларига юкланган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органларининг туман бўлимлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраб олиш;

давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига Агентликнинг туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини соғломлаштириш, шунингдек, омборхоналар ва транспорт воситаларини зарарсизлантириш (фумигация)ни назорат қилиш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши кураш тадбирларини назорат қилиш;

давлат бошқарувининг ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги масалаларни кўриб чиқишга бағишланган мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

давлат бошқаруви ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва фуқароларга ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни белгиланган тартибда юбориш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш;

темир йўл вагонлари, сув транспорти, самолётлар ва бошқа транспорт воситаларининг ўсимликлар карантини қоидаларига мос келмаслиги ва талабларни бузиш ҳолатлари аниқланганда улардан фойдаланишни тақиқлаш;

Ўзбекистонга импорт қилиш учун мўлжалланган ва таркибида ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар бўлган юкларни текшириш, улар ўсимликлар карантини объектлари билан зарарлангани ёки зарарланмаганини аниқлаш ва зарур бўлганда, визуал текшириш, намуналар олиш ҳамда текшириш ва бошқа усуллар орқали юклар ҳолатини тасдиқлаш;

фитосанитария ҳаракатларини амалга ошириш, ўсимликлар карантини объектлари ёки ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларга ишлов бериш, уларни утилизация қилиш, қайтариб юбориш ёхуд ажратиб қўйиш усулларини белгилаш;

темир йўл станциялари ва автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё бандаргоҳлари (пристанлар), почтамтлар, омборлар, тегирмонлар ҳудуди ва биноси, йўловчи ва юк вагонлари, самолётлар, дарё флоти кемалари, кўргазмалар, ботаника боғлари, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ташкилотлар ва идоралар ҳудудларига, фуқароларнинг томорқа участкаларига, шунингдек, уруғлар, ўсимликлар ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳудудига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда асосланган далиллар мавжуд бўлганда ҳамда хизмат вазифасини бажариш жараёнида монеликсиз кириш;

ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар намуналарини белгиланган тартибда текшириш, шунингдек, кейинчалик лаборатория текширувлари ва тегишли экспертизалар ўтказиш учун намуналар олиш;

ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда карантин қоидаларига мувофиқ ўсимликлар карантини бўйича чекловлар белгилаш;

ўсимликлар карантини объектлари аниқланганда хорижий давлатлардан олиб келинган ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотни ушлаб туриш, олиб қўйиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш;

давлат чегарасидан ўтказиш масканлари, темир йўл станциялари, автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё бандаргоҳлари (пристанлар), почтамтлар орқали олиб келинаётган ва жўнатилаётган юклар тўғрисида маълумотлар тақдим этишни, зарур бўлганда – ўз ҳудудида ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотларни текшириш ва зарарсизлантириш (фумигация) учун транспорт воситалари, ёрдамчи ишчилар, хизмат бинолари ва ёрдамчи материаллар берилишини талаб қилиш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлардан агротехник, кимёвий, биологик ва бошқа воситалар билан ҳимоя қилиш бўйича профилактик ва фитосанитария тадбирлари мажмуасининг бажарилишини назорат қилиш;

фитосанитария ҳаракатларини олиб бориш, ўсимликлар карантини объекти ёки карантин маҳсулотларини қайта ишлаш, йўқ қилиш, қайта жўнатиш ёки карантин объектларини изоляция қилиш усулларини аниқлаш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тўғри сақлаш ва ҳисобга олишни назорат қилиш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Агентлик номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллаш;

давлат инспекторлари ўз ваколатларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузиш.

Туман (шаҳар) бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Туман (шаҳар) бўлимлари қуйидагилар учун жавоб беради:

туманлардаги (шаҳарлардаги) давлат инспекторлари зиммасига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

иктисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар хорижий давлатлардан туманлар (шаҳарлар) ҳудудларига кириб келишидан ҳимоя қилиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш, тарқалишига йўл қўймаслик ва бартараф этишни ташкил этиш, шунингдек, республиканинг улар мавжуд бўлмаган ҳудудларига кириб боришининг олдини олиш;

ўсимликлар карантини ўчоғининг тарқалишига йўл қўймаслик ва ўсимликлар карантини бўйича тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

фитосанитария ва ўсимликлар карантини бўйича барча тадбирларнинг ўтказилиши, бу борадаги зарур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва тадбирлар амалга оширилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ҳудудий бўлинмалар раҳбариятига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни ишлаб чиқиш сифати, шунингдек, улар қабул қиладиган қарорлар сифати, уларнинг якуний натижалари ва амалга ошириш оқибатлари;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳолатини текшириш, уларнинг карантиндаги объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг зарар етказиш даражасини ўрганиш ва уларга қарши кураш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича фитосанитария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлардан агротехник, кимёвий, биологик ва бошқа воситалар билан ҳимоя қилиш бўйича профилактик ва фитосанитария тадбирлари мажмуасини амалга ошириш;

уруғлик ва экиш материалнинг энтофитопатологик ҳолатини ўз вақтида назорат қилиш;

пестицидларни тегишли тартибда сақлаш ва ҳисобга олишни ташкил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаш қоидаларини ишчиларга ўргатиш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистонга кириб келиб тарқалган ўсимликлар карантини аҳамиятига эга зараркундаларнинг ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш ва долзарб маълумотларни юритиш;

аҳолини, айниқса, ёшлар, фермер хўжаликлари эгалари ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни, шунингдек, туманларни (шаҳарларни) ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, туманни (шаҳарни) ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлаш ҳамда киритиш;

туман (шаҳар)ларда фитосанитария хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаш.

#### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

28. Қуйидагилар Агентлик бош директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарорига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Агентликка юкланган вазифалар ҳамда функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини

баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарори ижросини тизимли ташкил этиш;

Бош директор ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолашнинг асосий мезонлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда тадбирлар амалга оширилишини чуқур ҳамда танқидий таҳлил қилиш;

Агентлик, унинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Агентлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар ташкил этиш, Агентлик кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган номзодларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари юқорилиги кафолатланганини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини ташкил қилиш, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида уларни мукамал ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини ташкил этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-

хуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ белгиланган муддатларда келишиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарори талабларига қатъий мувофиқ равишда Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларида бўлишини ташкил этиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши ёки қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ давлат бошқаруви органлар тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари фаолиятига ишларни ташкил қилишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда “ягона дарча” тамойилини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган

муддатлар ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакиллари мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Агентлик ходимлари ва раҳбариятининг қабулхоналар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Агентлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масаласида қонун ҳужжатларини амалга ошириш;

фитосанитария хавфсизлик, ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё тизимида янги бошқарув услубларини жорий этиш, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ёки давлат-хусусий шериклик шаклида турли ҳамкорлик шакллари татбиқ этиш;

ижтимоий шериклик доирасида фитосанитария хавфсизлик, ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳасида фаолиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан қўллаб-қувватланишини талаб этадиган устувор йўналишларини белгилаш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

зарур бўлганда марказий аппарат, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг штат жадвалини, шунингдек, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлари сметасини тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари тўғрисидаги низом ва уставларни, шунингдек, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий низомларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

соҳа ходимларини кўкрак нишонлари ва фахрий ёрлиқлар билан белгиланган тартибда мукофотлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, Агентлик тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини фахрий унвонга ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этиш;

Агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Агентлик мулкани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда имзолаш.

29. Қуйидагилар Агентлик бош директори биринчи ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Агентлик бош директори вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Бош директор ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланган топшириқлар ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

тегишли ўринбосарлар ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилашда, улар ўртасида вазифаларни тақсимлашда иштирок этиш, Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўринбосарлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини оширишни таъминлаш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва унга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда тадбирлар амалга оширилишини чуқур ҳамда танқидий таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларнинг прогноз кўрсаткичларга эришилишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиш ҳамда қайд этилган кўрсаткичларга эришиш борасида уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари

ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Агентлик бош директорининг буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик бош директорига мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга доир таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлашини таъминлаш, Агентлик таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик муҳокама этиш учун кўриб чиқиш ҳамда виза қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ уларнинг Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Агентлик бош директорининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳимоясида иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил

3 августдаги ПҚ–3170-сон қарори талабларига қатъий мувофиқ равишда хизмат сафарларида бўлиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, уларнинг Агентлик ҳайъати мажлисларида шахсий ҳисоботларини эшитиш ва яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

соҳа фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши ёки қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида Агентлик бош директориغا таклифлар киритиш, функционал мажбуриятлар ва юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга доир таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакилларини мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

республика ҳудудларида ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашни ташкил этиш устидан назорат қилиш;

пахта, бошоқли дон ва мойли экинлар майдонлари назоратини ташкил этиш;

дала назорати фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга биологик курашиш учун биологик лабораторияларни ташкил этиш;

мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимлик экинларининг фитосанитария тозалигини таъминлаш мақсадида боғлар, тоқзорлар, сабзавотлар ва қовунлар экилган майдонларда, дала ва иссиқхоналарда, шунингдек, ўрмон ерларида фитосанитария назоратини ташкил этиш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлардан биологик назорат ва биологик ҳимоя қилиш учун яратилган ўсимликлар фаолиятини назорат қилиш;

чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш фаолиятини тизимли ташкил этиш;

минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдоси фаолиятини лицензиялаш бўйича фаолиятни ташкил этиш;

ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизими “Ijro.gov.uz” орқали буйруқлар ва вазифалар ижросини таъминлаш.

30. Қуйидагилар Агентлик бош директори ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Агентлик бош директори ёки унинг биринчи ўринбосари вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва унга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда тадбирлар амалга оширилишини чуқур ҳамда танқидий таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларнинг прогноз кўрсаткичларга эришишини сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиш ҳамда қайд этилган кўрсаткичларга эришиш борасида уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Агентлик бош директорининг буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик бош директорига мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга доир таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлашини таъминлаш, Агентлик таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик муҳокама этиш учун кўриб чиқиш ҳамда виза қўйиш, Агентлик бош директори томонидан имзолаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига мувофиқ уларнинг Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бош директорининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон қарори ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарори талабларига қатъий мувофиқ равишда хизмат сафарларида бўлиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, уларнинг Агентлик ҳайъати мажлисларида шахсий ҳисоботларини эшитиш ва яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

соҳа фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши ёки қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида Агентлик бош директориға таклифлар киритиш, функционал мажбуриятлар ва юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни кўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

Агентлик раҳбариятиға давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга доир таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатлар

ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакиллари мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

хорижий давлатлардан республика ҳудудига кириб келиши ва иқтисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зараркундалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларни бартараф қилишга қаратилган ички ва ташқи карантин назоратини ташкил этиш;

дала назорати ва ўсимликлар карантини мониторинги соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш;

экспорт қилинаётган маҳсулотлар, шунингдек, мамлакат ҳудудига олиб кириладиган (экспорт қилинаётган) карантин остидаги маҳсулотлар сифатини назорат қилишни ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар олиб кириладиган масканлар ва уларга туташ ҳудудларда мувофиқлаштириш;

фитосанитария хавфни таҳлил қилиш ва баҳолашни ташкил этиш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга биологик курашиш учун учун биологик лабораторияларни ташкил этиш;

фитосанитар тозаликни таъминлаш мақсадида карантин остидаги маҳсулотлар ва омборларни зарарсизлантириш (фумигация) бўйича ишларни амалга ошириш;

илғор тажрибага эга мамлакатлардан мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизими мутахассислари учун ўқув тадбирларини ташкил этиш;

боғлар, токзорлар ва майдонлар, шунингдек экспортбоп маҳсулотлар етиштириладиган қадоклаш цехлари реестрини шакллантириш устидан назоратни мувофиқлаштириш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш;

ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизими “Ijro.gov.uz” орқали белгиланган буйруқ ва вазифалар ижросини таъминлаш.

31. Қуйидагилар Агентлик бош директорининг иқтисод бўйича ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Агентлик бош директори ёки унинг биринчи ўринбосари вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва унга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда тадбирлар амалга оширилишини чуқур ҳамда танқидий таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларнинг прогноз кўрсаткичларга эришишини сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиш ҳамда қайд этилган кўрсаткичларга эришиш борасида уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бошқармалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Агентлик бош директорининг буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик бош директорига мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга доир таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилиқ қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли тайёрлашни таъминлаш, Агентлик таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик муҳокама этиш учун кўриб чиқиш ҳамда виза кўйиш, Агентлик бош директори томонидан имзолаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига мувофиқ уларнинг Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бош директорининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон қарори ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарори талабларига қатъий мувофиқ равишда хизмат сафарларида бўлиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилиқ қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, уларнинг Агентлик ҳайъати мажлисларида шахсий ҳисоботларини эшитиш ва яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

соҳа фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

мутасаддилиқ қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши ёки қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида Агентлик бош директорига таклифлар киритиш, функционал мажбуриятлар ва юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек,

уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга доир таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакилларини мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган муурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш учун грант маблағларини жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини доимий мониторинг қилиш;

Агентликнинг “E- Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизими вазифалари бажарилишини назорат қилиш;

“Ягона дарча” тизими ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали Агентлик фаолиятини таъминлашни ташкил этиш;

ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини аниқлашга қаратилган электрон мобил иловаларни жорий этиш ва ишлаб чиқиш;

Агентлик таркибий бўлинмаларининг моддий-техника базасини яратиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш;

ижро интизомининг ягона идоралараро электрон тизими “Ijro.gov.uz” орқали белгиланган буйруқ ва вазифалар ижросини таъминлаш.

32. Қуйидагилар Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичлар бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ва Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларининг мазкур кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чоралар кўриш бўйича Агентлик бош директорининг мутасадди ўринбосарларига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Агентлик бош директори ва ўринбосарларининг буйруқлари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда қайд этилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг фаолиятига амалий ва методик кўмаклашиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

Агентлик Бош директори ўринбосарларига таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга доир таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлашини таъминлаш, Агентлик таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик муҳокама этиш учун кўриб чиқиш ҳамда имзолаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ уларнинг Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбарининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан пухта ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарори талабларига қатъий мувофиқ равишда хизмат сафарларида бўлиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш ва яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилиқни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик Бош директорига давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга доир таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан бевосита ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакиллари мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

33. Куйидагилар ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бошқармаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, Агентлик қарорлари билан юкланган вазифалар ҳамда функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришиш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича туман (шаҳар)лар инспекторлари, ўсимликлар карантини чегара масканлари инспекторлари, шунингдек, ҳудудий бўлинмалар бошқа бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, Агентлик бош директори буйруқлари, Агентлик бош директори ва ўринбосарларининг топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, ҳудудий бўлинманинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик учун ўз ўринбосари ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

ҳудудий бўлинма фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳудудий бўлинма ва ўз ўринбосарлари ишларининг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудий бўлинмага кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмаларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентлик номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган номзодларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмага ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллигини, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги қафолатланганини таъминлаш;

ҳудудий бўлинма ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши ёки қолмаслиги мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий бўлинма ходимлари томонидан Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

прогноз кўрсаткичлар бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ва ҳудудий бўлинмаларнинг мазкур кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чоралар кўриш бўйича Агентлик бош директорининг мутасадди ўринбосарларига таклифлар киритиш;

ҳудудий бўлинма ходимларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш ва яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

ҳудудий бўлинма фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Агентлик раҳбариятига кўриш чиқиш учун киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан бевосита ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахслар вакилларини мунтазам шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушадиган мурожаатлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

ҳудудий бўлинма ходимларига мукофотлар тўлаш, лавозим маошига устама белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш, рағбатлантириш ва интизомий жазога тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, Агентликка давлат мукофотлар ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш ҳақида таклифлар киритиш;

давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

ҳудудий бўлинма ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

ҳудудий бўлинма мол-мулкани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

худудий бўлинма томонидан хизматлар кўрсатишда юзага келадиган молиявий ва техник масалаларни ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

бошқарма раҳбарлари ва ходимлари малакасини ошириш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда ёрдам бериш;

худудий бўлинма ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимларининг низомларини тасдиқлаш;

фитосанитария хавфсизлик, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик билан ишлаш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материалларни тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган мурожаатлар юзасидан зарур чоралар кўриш.

### **6-боб. Агентлик раҳбарларининг масъулияти**

34. Агентлик бош директори қуйидагилар учун шахсан масъулдир:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 28-бандида қайд этилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши.

35. Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари қуйидагилар учун шахсан масъулдир:

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган масалалар юзасидан жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 29-31-бандларида қайд этилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши.

36. Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари бошлиқлари қуйидагилар учун шахсан масъулдир:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган Агентлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 32-бандида қайд этилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши.

37. Худудий бўлинмалар бошлиқлари қуйидагилар учун шахсан масъулдир:

худудий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 33-бандида қайд этилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши.

## **7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

### **1-§. Агентликка раҳбарлик қилиш**

38. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош директор раҳбарлик қилади.

39. Агентлик бош директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларга эга бўлади.

40. Агентлик бош директори моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирга, Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, Агентлик бош директорининг ўринбосарлари вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

41. Агентлик бош директори бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринбосарлари томонидан бажарилади.

42. Куйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бошлиғи, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари бошлиқлари, ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимлари Агентлик бош директори томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, худудий бўлинмалар бошлиғи ўринбосарлари, Агентлик тизимига кирувчи республика ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

худудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартибдаги жараёни якунига етгунига қадар кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмалар фаолиятини таъминлаш мақсадида Агентлик бош директори бошлиқнинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш ҳуқуқига эга.

43. Агентлик тизими ходимларига Агентлик бош директори томонидан тасдиқланадиган Агенлик ходимларининг хизмат гувоҳномаси тўғрисидаги низомга мувофиқ хизмат гувоҳномалари берилади.

44. Агентлик бош директори ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг тузилмасида белгиланган ходимлар сони доирасида штат жадвалларини тасдиқлайди.

**2-§. Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги**

45. Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан таъминланади.

46. Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилган ҳолда:

топшириқларни ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларига етказадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиладилар;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларига таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборадилар ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиладилар;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари фаолияти амалиётини текширадилар ва ўрганадилар, натижаларни умумлаштирадилар, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадиладар ва қабул қиладилар;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этадилар;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этадилар;

ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқадиладар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудий бошқармалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим ташкилотлари иштирокини ташкил этадилар, соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқадиладар.

47. Худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қиладилар, шу жумладан:

Агентлик раҳбарияти топшириқларининг бажарилиши тўғрисида ахборот беради;

марказий аппаратга белгиланган фаолият соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар ҳамда қонунбузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

Агентлик марказий аппаратига белгиланган тартиб ва муддатларда ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

Агентлик марказий аппаратига худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратилган таклифлар юборади;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўз фаолиятини текшириш натижалари ҳақида хабардор қилади.

48. Агентлик марказий аппарати, худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Агентлик бош директорининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади. Агар келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита Агентлик бош директори томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Агентликнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

49. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

50. Худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари ўз ваколати доирасида давлат бошқарувининг худудий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

худудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари тегишли худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан ўзаро узвий ҳамкорлик қиладилар.

#### **4-§. Агентлик ҳайъати, жамоатчилик ва илмий-техник кенгаши**

51. Агентлик бош директори (ҳайъат раиси), унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирадиган таркибий бўлинмалар бошлиқларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Агентлик бош директорининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

52. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил қилиш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик фаолияти соҳасига оид ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш самарадорлигини ҳар чоракда ва тизимли равишда кўриб чиқиш;

ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, жойларда Агентлик фаолияти соҳасига тааллуқли долзарб масалалар муҳокама этилишини таъминлаш;

Агентлик марказий аппаратининг лавозимлар номенклатураси ва унинг тизимини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

Агентлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда топшириқлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий масъулиятини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритиладиган ва Агентлик масъул ижрочи бўлган қонунчилик лойиҳалари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

Ҳайъат Агентлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

53. Ҳайъат мажлисларида Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилиш учун давлат бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳам таклиф этилиши мумкин.

54. Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

55. Ҳайъат қарорлари Агентлик бош директорининг буйруқлари билан амалга оширилади.

56. Агентлик бош директори ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Агентлик бош директори юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

57. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

58. Агентликда илмий-техник кенгаш ташкил этилади.

Илмий-техник кенгаш Агентлик бош директори (илмий-техник кенгаш раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази раҳбари, Агентлик таркибий бўлинмалари бошлиқлари, соҳа, илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари, мустақил компаниялар ва соҳанинг бошқа ташкилотлари мутахассисларидан иборат таркибда тузилади ва Агентлик буйруғи билан тасдиқланади.

59. Қуйидагилар Агентлик илмий-техник кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида ўсимликлар карантини, химояси ва агрокимё соҳасидаги ягона илмий-техник сиёсатни белгилайдиган илмий асосланган таклифларни тайёрлаш ҳамда кўриб чиқиш;

Агентлик фаолиятини истиқболли ривожлантириш йўналишларига илмий-техник раҳбарлик қилиш, ўсимликлар карантини, химояси ва агрокимё соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар, йўриқномалар, тавсиялар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

етақчи институтлар олимлари ва амалиётчиларини жалб этган ҳолда ўсимликлар карантини соҳасидаги жаҳон тажрибасини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот унумдорлиги ва сифати бўйича замонавий талаблар, фитосанитария стандартларига жавоб берадиган илғор технологиялар ва ускуналарни чуқур таҳлил қилиш;

илмий ва лойиҳа ғояларини кўриб чиқиш, илмий-техник кенгаш томонидан таклиф этиладиган қарорларни профессионал даражада муҳокама этиш, жумладан, халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда ўсимликлар карантини, химояси ва агрокимё соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун техник вазифаларни шакллантиришга кўмаклашиш.

Агентлик бош директори Агентлик илмий-техник кенгаши раиси ҳисобланади.

60. Агентликда Жамоатчилик кенгаши ташкил қилинади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига соҳа мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, илмий ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоатчилик бирлашмаларининг вакиллари киради.

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби, шунингдек, унинг Низоми Агентлик бош директори томонидан тасдиқланади.

#### **8-боб. Агентлиги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичлари**

61. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

62. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

63. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезони Агентлик директори томонидан белгиланади.

#### **9-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

64. Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Агентликнинг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади ва моддий-техник таъминланади.

65. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси қоидалари ҳамда нормаларини бузганлик учун маъмурий жарима маблағлари Агентликнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

66. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлардан иборат.

Агентлик ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва кўшимча тўловлар Агентлик бош директори томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ тўланади.

67. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Агентлик ходимларига иш ҳақи тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

**10-боб. Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши**

68. Агентлик Бош директори ўз фаолияти натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ҳисобот беради.

69. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Агентлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти устидан мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

70. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

**11-боб. Яқунловчи қоида**

71. Агентлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 7 ” ~~июн~~ даги ЗІІ -сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси  
агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини  
ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш  
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан (кейинги ўринларда – Агентлик) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилади.

3. Жамғарма фаолияти Жамғарма Кенгаши томонидан ташкил этилади, назорат қилинади ва бошқарилади. Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Агентлик бош директори томонидан тасдиқланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

импорт ва транзит карантин рухсатномалари, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилишидан олинадиган тўловлар;

ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар, минерал ва органик ўғитларни сақлаш, реализация қилишни лицензиялашдан олинадиган давлат божи ва тўловлар;

кўрсатилган лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинадиган тўловлар;

зарарсизлантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар;

тупроқ агрокимёвий таҳлиллари асосида агрокимёвий хаританомани ишлаб чиқиш ва бошқа хизматлар учун тўловлар;

биолабораториялар фаолияти учун бериладиган техник рухсатнома ва биомахсулот сифати бўйича сертификатлар учун олинадиган тўловлар;

кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинадиган тўловлар;

маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликка мувофиқ ундириладиган жарималар;

Агентлик тизимидаги ташкилотлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган бошқа хизматлардан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғармага тушадиган маблағлар Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган махсус ҳисобварақларда жамғарилади.

6. Агентлик тизимидаги ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари ҳисобварақларига тушган маблағлар белгиланган тартибда тақсимланиб, маблағлар тушган кундан кейинги бир банк иш кунидан кечиктирмасдан Жамғарма ҳисобварақларига йўналтирилиши шарт.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

7. Жамғарма маблағлари:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш;

илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш;

моддий-техника базани мустаҳкамлаш;

мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Жамғармага тушадиган тушумларнинг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан Агентлик ва унинг тизими ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш;

ишлаб чиқариш зарурати ва иш юкласидан келиб чиқиб Жамғарма маблағлари ҳисобидан кўшимча штат бирликларини жорий этиш;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси назоратидаги материалларни зарарсизлантириш учун фумигантлар харид қилиш;

Агентлик ва унинг тизими ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарлари харажатларини қоплаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаганда хизмат сафари харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилади;

Жамғарма маблағларидан қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

8. Жамғарма маблағларидан заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати топшириқларини бажариш ва давлат тадбирларини ўтказиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ишларда фойдаланилади.

9. Жамғарма маблағлари даромадлар ва харажатлар сметаси асосида тақсимланади. Даромадлар ва харажатлар сметаларини умумлаштириш ва қабул қилиш ишлари Жамғарма Кенгашининг қарори асосида ташкил этилади, мутахассислар даромадлар ва харажатлар сметасининг тегишли лойиҳаларини тайёрлайди, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни самарали бошқариш бўйича мониторинг олиб борилади.

#### 10. Жамғарма Кенгаши:

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун буюртманомаларни қабул қилади, кўриб чиқади ва умумлаштиради;

маблағлар ажратиш бўйича устувор йўналишларни белгилайди ва асосланган қарорлар қабул қилади;

ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган ҳолатлар аниқланганда молиялаштиришни тўхтатиш ва Жамғарма маблағларини қайтариш чораларини кўради;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилади.

11. Жамғарма маблағларидан ҳар йили Агентлик бош директори томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига асосан фойдаланилади. Харажатлар сметаси Молия вазирлигида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

12. Даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йил учун Жамғармага тушиши кутилаётган маблағлар прогнози ҳисобга олинган ҳолда ва амалга ошириладиган тадбирлар асосида тузилади.

13. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун буюртманомалар, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотлари томонидан тақдим этилади.

Келгуси йилга зарур маблағларни олиш учун даромадлар ва харажатлар сметаси Агентликка ҳар йили 1 июнга қадар электрон шаклда почта ёки ахборот узатишнинг бошқа воситалари орқали тақдим этилади.

Даромадлар ва харажатлар сметаси асосида бериладиган буюртманомада қуйидагилар кўрсатилади:

Агентлик, ҳудудий бўлинмалар, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг тўлиқ номи ва реквизитлари;

сўраладиган маблағлар ҳисоб-китоби ва харажатлар моддалари.

Зарур бўлганда маблағларга бўлган эҳтиёж асослаб берилган ҳужжатлар буюртманомага илова қилинади.

14. Тақдим этилган даромадлар ва харажатлар сметаси Жамғарма Кенгаши томонидан ҳар йили 1 июлгача кўриб чиқилади, устувор йўналишлар белгиланиб, бунинг асосида Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. Агентлик тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан фойдаланувчи ҳисобланади.

16. Жамғарманинг жорий молиявий йилда фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва Агентликнинг ҳисобварағида қолади ҳамда кейинчалик ушбу Низомда назарда тутилган бошқа мақсадларда белгиланган тартибда фойдаланилади.

**4-боб. Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ҳисобот, уларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ҳамда бу борадаги жавобгарлик**

17. Жамғарма Кенгаши Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни белгиланган тартибда назорат қилади.

18. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва бу борадаги ҳисобот белгиланган тартибда амалга оширилади, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича мониторинг ички аудит бўлими томонидан назорат қилинади.

19. Жамғарма маблағларидан оқилona ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**5-боб. Яқунловчи қоида**

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 7 ” июн даги ЗД-сон қарорига  
3-илова

**Зарарли ва хавфли организмларга қарши фитосанитария  
тадбирларини ўтказиш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда  
фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш  
билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом зарарли ва хавфли организмларга қарши фитосанитария тадбирларини ўтказиш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**зарарли организмлар** – ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг ёхуд касаллик кўзғатувчи агентларнинг ўсимликларга ёки ўсимлик маҳсулотларига зарар етказувчи ҳар қандай тури, хили ёки биотиби;

**фитосанитария мониторинги юритиш** – зарарли ва хавфли организмларнинг тарқалишини прогноз қилиш мақсадида уларни аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш;

**фитосанитария прогнози** (кейинги ўринларда – прогноз) – зарарли ва хавфли организмларнинг қишловдан чиқиши, тарқалиши, миқдори ҳамда ривожланишини илмий асосланган ҳолда мутахассислар томонидан узоқ ва қисқа муддатли прогноз қилиш жараёни;

**фавқулодда вазият** – зарарли ва хавфли организмларнинг атроф табиий муҳитга, ҳосилдорликка зарар етказиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ёки олиб келган ҳолат;

**фавқулодда вазият эълон қилиш бўйича ваколатли орган** – Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари;

**кимёвий воситалар** – зарарли ва хавфли организмларга қарши курашда фойдаланиладиган, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган кимёвий моддалар;

**иқтисодий зарар миқдори мезони** (кейинги ўринларда – ИЗММ) – фитосанитария чоралари олиб борилиши лозим бўлган ҳолларда ўсимлик маҳсулотларининг йўқотилишини келтириб чиқарувчи зарарли ва хавфли зарарли организмларнинг миқдори;

**тўда ҳосил қиладиган зарарли чигирткалар** – Осиё, Мароқаш, Италия пруси ва Саксовул чигирткалари.

## **2-боб. Фитосанитария тадбирларини ўтказиш тартиби**

3. Фитосанитария чора-тадбирларини ўтказишнинг асосий мезони мониторинг маълумотлари асосида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан ишлаб чиқилган прогнозга асосланади.

4. Фитосанитария тадбирлари ҳажмларини белгилашда юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳам ҳисобга олинади.

5. Агентлик маълумотлари асосида кимёвий йўл билан ишлов бериладиган майдон ИЗММ қийматларига кўра аниқланади.

6. Агентлик томонидан зарарли ва хавфли организмларнинг ривожланиши ҳамда тарқалишининг доимий равишда фитосанитария мониторинги олиб борилади.

7. Давлат бошқаруви органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳудудларида ўтказилган фитосанитария мониторинги натижалари бўйича ИЗММдан юқори бўлмаган зарарли ва хавфли организмлар аниқланган тақдирда, қарши курашиш тадбирларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари шарт.

Зарарли ва хавфли организмлар кўпайиши ва тарқалиши орқали фавқулодда вазият юзага келганда, яъни ер эгалари томонидан зарарли ва хавфли организмларга қарши 2 марта ишлов берилгандан кейин ҳам кўпайиши ва тарқалиши кузатилса, уларни бартараф этиш ёки кенг тарқалишига қарши курашиш харажатлари Давлат бюджети параметрлари доирасида Агентлик учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

8. Зарарли организмларга қарши курашиш тадбирлари кимёвий воситалар орқали амалга оширилади.

9. Агентлик зарарли ва хавфли организмларнинг ривожланиш фенологияси, муҳофазаланадиган экинларни рўйхатга олиш бўйича тизимли кузатувларга асосланиб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ҳудудларни ўрганиш ва фитосанитария қарши курашиш чораларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида тезкор хабар беради.

10. Агентлик томонидан зарарли ва хавфли организмларга қарши курашиш бўйича фитосанитария тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 695-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимликлар карантини объектини йўқ қилиш ва унинг ўчоғини бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

11. Зарарли ва хавфли организмларга қарши фитосанитария мониторинги ва фитосанитария чора-тадбирлари ўтказилиши устидан назорат Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

### **3-боб. Тўда ҳосил қиладиган ва тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши курашиш ҳамда фитосанитария чораларини кўриш тартиби**

12. ИЗММдан юқори миқдорда бўлмаган тўда ҳосил қиладиган ва тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткалар (кейинги ўринларда – зарарли чигирткалар)га қарши курашиш ҳамда фитосанитария тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш жойлардаги давлат ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматларининг прогноз маълумотлари асосида қўшни давлатлар ҳудудидан кириб келадиган зарарли чигирткалар хавфини бартараф этиш мақсадида зарур кимёвий воситалар ва техникалар захирасини яратиш, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағлар доирасида Агентлик томонидан амалга оширилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматлари томонидан уларнинг прогноз маълумотлари асосида зарарли чигирткаларга қарши кимёвий ишлов бериладиган майдонлар ҳажмлари ИЗММ бўйича аниқланади ва Агентлик билан келишган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этилади.

15. Тегишли йилда ИЗММдан юқори миқдордаги зарарли чигирткалар тарқалган ҳақиқий майдонлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда кузатув-назорат далолатномаси билан тасдиқланади.

16. Зарарли чигирткаларга қарши фитосанитария тадбирларини ташкил этиш маҳаллий бюджет параметрларида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

17. Зарарли чигирткаларга қарши курашиш бўйича фитосанитария тадбирларига қуйидагилар киради:

ИЗММ миқдоридан юқори бўлган чигирткаларга қарши кимёвий ишлов бериш учун кимёвий воситаларни сотиб олиш, шунингдек, кимёвий воситалар захирасини шакллантириш, сақлаш ва турларини янгилаш;

ИЗММ миқдоридан юқори бўлган зарарли чигирткаларга қарши кимёвий воситаларни сақлаш ва ташиш бўйича хизматлар;

ИЗММ миқдоридан юқори бўлган зарарли чигирткалар тарқалган ҳудудларда кимёвий ишлов бериш хизматлари.

18. Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий ишлов бериш майдонлари ИЗММ бўйича аниқланади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматининг маълумотлари маҳаллий ижро этувчи органлар билан мувофиқлаштирилиб, Агентликка тақдим этилади.

19. Зарарли чигирткаларга қарши курашиш тадбирларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматларининг прогноз маълумотлари асосида ишлов майдонларининг ҳажмлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

**4-боб. Фавкулдда вазиятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг сақланишини таъминлаш ва зарарли организмларга қарши фитосанитария чора-тадбирлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби**

20. Фавкулдда вазиятларда зарарли организмларга қарши фитосанитария чора-тадбирлари ҳамда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Давлат бюджети параметрларидаги маблағлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда республика миқёсида сезиларли иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларга қарши курашиш тадбирларини молиялаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларининг қарорлари асосида Агентлик билан келишилган ҳолда ажратилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларининг қарори билан қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтириши мумкин бўлган фавкулдда ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларида ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – вилоят/туман ишчи гуруҳи) ташкил этилади.

Вилоят/туман ишчи гуруҳи таркиби, қоида тариқасида, вилоят/туман ҳокимликларида ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, вилоят/туман қишлоқ хўжалиги бўлими, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг вилоят бошқармаси/туман бўлими ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбарлари ва тегишли мутахассислардан ташкил топади.

22. Вилоят/туман ишчи гуруҳи:

фавкулдда вазиятларда зарур чора-тадбирларни ва зарарли организмларни йўқ қилиш чораларини белгилайди;

самарадорлик юзасидан чора-тадбирларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ижрочилар томонидан ўз вазифаларини бажаришлари учун етарлича қарши курашишни ташкил этади;

молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишни назорат қилади;

ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни архивлашни ўз ичига олган маълумотларни умумлаштиради;

белгиланган вазифалар юзасидан мониторинг олиб боради ва баҳолайди.

23. Фавқулодда вазиятларда харажатларни қоплаш ердан фойдаланувчиларнинг ёзма мурожаатларига асосан ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бунда туман ишчи гуруҳи:

а) мурожаат юзасидан жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқади;

б) ўрганиш юзасидан далолатнома тузади ва далолатномада фавқулодда ҳолатларда қилинган сарф-харажатларни қоплаш суммасини белгилашда қуйидаги асослашга кўра ҳисоб-китоб қилади:

1) кимёвий ишлов учун кимёвий воситалар хариди учун қилинган харажатлар;

2) кимёвий воситаларни ташиш ва сақлаш учун қилинган харажатлар;

3) кимёвий воситалар билан ердан фойдаланувчининг экин майдонларига ишлов беришда кўрсатилган хизматлар учун қилинган харажатлар.

в) тузилган далолатнома ва унда қайд этилганларга жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади.

24. Туман ишчи гуруҳи томонидан туман ҳудудидаги ер майдонлари (контурлар) бўйича зарарли организмларнинг тарқалиши ва кўпайиши ўрганиб борилади ҳамда уларга қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида туман ҳокимлигига хулоса киритилади.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларида зарарли организмлар, зараркунандалар, карантин объектлари, бегона (заҳарли) ўтлар ва ўсимликлар касалликлари тури, ишлов бериладиган майдон ҳажми, уларга қарши курашда фойдаланиладиган воситаларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағ миқдори кўрсатилади ҳамда маблағ ажратиш юзасидан талабнома Агентликка юборилади.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари ва талабномалар Агентликка тушган вақтдан бошлаб 3 иш кунда кўриб чиқилади ва Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси ҳудудий бўлинмаларининг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилади. Ҳудудий бўлинмалар ердан фойдаланувчиларга қарши курашиш учун сарф-харажатларни туман ишчи гуруҳининг далолатномалари асосида қоплайди.

28. Ажратилган маблағларни бошқа йўналишларга йўналтиришга йўл қўйилмайди, мавсум якунида сарфланган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳужжатли тафтиш ўтказилади. Тафтиш якунлари бўйича маълумотлар Молия вазирлигига тақдим этилади.

### **5-боб. Якунловчи қоида**

29. Ушбу Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Зарарли ва хавfli организмларга қарши  
фитосанитария тадбирларини ўтказиш,  
зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда  
вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш  
билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани ҳудудларида зарарли чигирткалар  
кўзачаларини аниқлаш ва кимёвий ишлов ўтказиш тўғрисида

### ДАЛОЛАТНОМА

20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_ тумани

Ушбу далолатномани тузиб имзо чекувчилар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ бўлиб  
ушбу далолатномани \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани

ҳудудларидаги \_\_\_\_\_ гектар майдонда зарарли чигирткаларнинг тухум кўзачалари  
бўйича кузатув – назорат ишлари ўтказилганда \_\_\_\_\_ гектар майдонда (чигиртка тури)  
зарарли чигирткаларнинг тухум кўзачалари борлиги аниқланлиги ҳақида туздик. Тухум  
кўзачалари 1м<sup>2</sup> да ўртача \_\_\_\_\_ донани ташкил этади.

Кузатув – назорат ишлари натижасига кўра \_\_\_\_\_ тумани  
\_\_\_\_\_ ҳудудида зарарли чигирткалар (чигиртка тури) \_\_\_\_\_ гектарга  
тарқалиши аниқланиб, \_\_\_\_\_ гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказиш ҳажми белгилаб  
олинди.

**Ушбу далолатномани тўғри деб имзо чекувчилар:**

**Туман қишлоқ хўжалиги бўлими**

**Туман ўсимлар карантини ва ҳимояси бўлими**

**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**

**Вилоят чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати**

**Фермер хўжалиги раиси**

Зарарли ва хавfli организмларга қарши  
фитосанитария тадбирларини ўтказиш,  
зараркундаларга қарши курашиш ҳамда  
фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни  
таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Зарарли ва хавfli организмларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда  
ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
<b>1-босқич</b>	<b>Ердан фойдаланувчилар</b>	Туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳига ёзма муружаат тақдим этиш.	Зарурат бўлганда
<b>2-босқич</b>	<b>Туман ишчи гуруҳи</b>	1. Муружаат юзасидан жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқиш. 2. Ўрганиш натижаси бўйича уч нусхада далолатнома тузиш. 3. Етказилган зарарни қоплаш бўйича қарор қабул қилиш ва вилоят ишчи гуруҳига тақдим этиш.	3 иш куни давомида
<b>3-босқич</b>	<b>Вилоят ишчи гуруҳи</b>	Қарор қабул қилиш ҳамда талабномани Агентликка тақдим этиш.	3 иш куни давомида
<b>4-босқич</b>	<b>Агентлик ва худудий бўлинмалар</b>	1. Агентлик томонидан ўзининг худудий бўлинмаларига маблағ ажратиш. 2. Худудий бўлинмалар ердан фойдаланувчиларга қарши курашиш учун сарф-харажатларни туман ишчи гуруҳининг далолатномалари асосида қоплаш.	3 иш куни давомида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “7” ИЮН даги 311-сон қарорига  
4-илова

**Автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ташқи иқтисодий фаолият,  
давлатлараро чегара маскан (пункт)лари ҳамда почтаамтдаги ўсимликлар карантини маскан (пункт)лари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	Маскан (пункт)лар сони	Ходимлар сони	Шу жумладан, ўсимликлар карантини чегара маскан (пункт)лари номи/ходимлар сони						
				Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ)	Давлатлараро	Темир йўл станциялари	Аэропортлар	Республика ички автомобиль йўллари	Дарё порти	Почтаамт
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8	29	“Нукус”/1	“Довуд ота”/9	“Қарақалпақия”/6	“Нукус”/4	“Мискин”/3		
				“Қўнғирот”/1	“Хўжайли”/4					
				“Тўрткўл”/1						
2.	Андижон вилояти	7	24	“Бобур”/2	“Маданият”/4	“Савай”/1	“Андижон”/1			
				“Андижон”/2	“Дўстлик”/12					
				“Асака”/2						
3.	Бухоро вилояти	6	28	“Ғиждувон”/1	“Олот”/13	“Хўжадавлат”/4	“Бухоро”/4	“Сармижон”/3		
				“Бухоро”/3						
4.	Жиззах вилояти	3	12	“Жиззах”/4	“Маликтургон” /4					
					“Қўшқанд”/4					
5.	Қашқадарё вилояти	7	16	“Насаф”/2	“Толимаржон”/2		“Қарши”/2	“Умакай”/5		
				“Китоб”/1				“Ширинбулоқ”/2		
6.	Навоий вилояти	6	16	“Тинчлик”/2			“Навоий”/3	“Самарқанд”/3		
				“Навоий”/2				“Қараката”/3		
				“Навоий индустриал”/3						
7.	Наманган вилояти	5	34	“Наманган”/4	“Қосонсой”/6		“Наманган”/6	“Наманган”/12		
					“Поп”/6					
8.	Самарқанд вилояти	6	27	“Самарқанд”/3	“Жартепа”/6		“Самарқанд”/6	“Омонқўтон”/3		
				“Улуғбек”/3				“Юқори нукта”/6		

Т/р	Худудлар	Маскан (пункт)лар сони	Ходимлар сони	Шу жумладан, ўсимликлар карантини чегара маскан (пункт)лари номи/ходимлар сони						
				Ташки иктисодий фаолият (ТИФ)	Давлатлараро	Темир йўл станциялари	Аэропортлар	Республика ички автомобиль йўллари	Дарё порти	Почтамт
9.	Сурхондарё вилояти	12	46	“Термиз”/3	“Айритом”/12	“Сурхонобод”/1	“Термиз”/3	“Дарбанд”/6	“Термиз дарё порти”/3	
				“Денов”/2	“Сариосиё”/6	“Кудукли”/1				
				“Жаркўрғон”/3	“Гулбахор”/4	“Боботоғ”/2				
10.	Сирдарё вилояти	8	39	“Ховос”/4	“Сирдарё”/9			“Сирдарё”/6		
				“Сайхун”/4	“Малик”/4					
				“Гулистон”/2	“Оқолтин”/4					
					“Ховособод”/6					
11.	Тошкент вилояти	17	106	“Чирчиқ”/4	“Яллама”/12	“Бекобод”/1				
				“Олмалик”/2	“Навой”/9	“Келес темир йўли”/9				
				“Янгийўл”/4	“Ғишткўприк”/18	“Ўзбекистон темир йўли”/2				
				“Бекобод”/1	“С.Нажимов”/9					
				“Назарбек”/8	“Ойбек”/9					
				“Келес”/6	“Фарход”/6					
				“Ангрен”/2	“Бекобод авто”/4					
12.	Фарғона вилояти	10	53	“Кўкон”/3	“Равот”/6		“Фарғона”/6			
				“Киргули”/2	“Андархон”/9					
				“Марғилон”/2	“Риштон”/4					
				“Водий”/3	“Фарғона”/9					
					“Ўзбекистон”/9					
13.	Хоразм вилояти	6	37	“Урганч”/4	“Шовот”/9		“Урганч”/9	“Чолиш”/3		
					“Дўстлик”/9			“Мамакўпир”/3		

Т/р	Худудлар	Маскан (пункт)лар сони	Ходимлар сони	Шу жумладан, ўсимликлар карантини чегара маскан (пункт)лари номи/ходимлар сони						
				Ташки иктисодий фаолият (ТИФ)	Давлатлараро	Темир йўл станциялари	Аэропортлар	Республика ички автомобиль йўллари	Дарё порти	Почтамт
14.	Тошкент шаҳри	13	72	“Аркбулок”/5		“Тошкент темир йўл”/12	“Тошкент”/27			“Халқаро почтамт”/2
				“Тошкент-юк сарой” /4		“Собир Раҳимов”/2				
				“Сергели”/2		“Ҳамза”/2				
				“Тошкент авиа юклар”/4		“Чуқурсой техник идораси”/4				
				“Чуқурсой”/5						
				“Чет эл ваколатхоналари”/0						
				“Чуқурсой техник назорат” т.й./3						
<b>Жами</b>		<b>114</b>	<b>539</b>	<b>42</b>	<b>32</b>	<b>13</b>	<b>11</b>	<b>14</b>	<b>1</b>	<b>1</b>

**Изоҳ:** Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори ўсимликлар карантини чегара маскани (пункти)нинг карантин остидаги маҳсулотларнинг юк оқими жадаллигига қараб, ходимларни ўсимликлар карантини чегара масканларига бириктириш ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўсимликлар карантини чегара масканлари кўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “7” июндаги 311-сон қарорига  
5-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятга  
эга бўлмаган зарарли организмлар  
рўйхати

Т/р	Латин тилидаги номи	Давлат тилидаги номи
<b>I. Зараркунандалар</b>		
1.	<i>Adelphocoris lineolatus</i> (Goeze)	Беда қандаласи
2.	<i>Acanthoscelides obtectus</i> (Say)	Ловия донхўри
3.	<i>Acarus siro</i> (Linnaeus)	Омбор канаси
4.	<i>Aculops lycopersici</i> (Masse)	Помидор занг канаси
5.	<i>Acyrtosiphon primulae</i> (Harris)	Нўхат шираси
6.	<i>Acyrtosiphon phaseoli</i> (Mordv)	Катта яшил ғўза шираси
7.	<i>Aeolesthes sarta</i> (Solsky)	Шаҳар мўйловдори
8.	<i>Agriotes meticulosus</i> (Candeze)	Туркистон қарсилдоқ қўнғизи (симкурт)
9.	<i>Agrotis segetum</i> (Denis & Schiffermuller)	Кузги тунлам
10.	<i>Agrotis exclamationis</i> (Linnaeus)	Ундов тунлами
11.	<i>Amphitetranychus viennensis</i> (Zacher)	Дўлана канаси
12.	<i>Anthaxia conradti</i> (Semenov)	Арча тилла қўнғизи
13.	<i>Anthonomus terreus</i> (Gyllenhal)	Кулупнай узунбурини
14.	<i>Aphis loti</i> (Kaltenbach)	Акация шираси
15.	<i>Aphis gossypii</i> (Glov)	Полиз шираси
16.	<i>Aphis pomi</i> (De Geer)	Олма шираси
17.	<i>Arboridia kokogowona</i> (Matsumura)	Узум цикадаси
18.	<i>Artogeia rapae</i> (Linnaeus)	Шолғом оқ капалаги
19.	<i>Autographa gamma</i> (Linnaeus)	Гамма тунлами
20.	<i>Bemisia tabaci</i> (Gennadius)	Ғўза окқаноти
21.	<i>Brevicoryne brassicae</i> (Linnaeus)	Карам шираси
22.	<i>Bruchus pisorum</i> (Linnaeus)	Нўхат донхўри
23.	<i>Bryobia redikorzevi</i> (Reck)	Кулранг боғ канаси
24.	<i>Cacopsylla pyri</i> (Linnaeus)	Нок барг бургачаси
25.	<i>Caliroa cerasi</i> (Linnaeus)	Олча шиллик арракаши
26.	<i>Calliptamus italicus</i> (Linnaeus)	Италия ёки воҳа чигирткаси
27.	<i>Calliptamus turanicus</i> (Tarbinsky)	Қир ёки Турон чигирткаси
28.	<i>Callosobruchus maculatus</i> (Fabricius)	Тўрт доғли донхўр
29.	<i>Cephus pygmeus</i> (Linnaeus)	Ғалла арракаши
30.	<i>Cossus cossus</i> (Linnaeus)	Дарахт сасикхўри
31.	<i>Choreutis nemorana</i> (Hubner)	Анжир парвонаси
32.	<i>Chrysomela populi</i> (Linnaeus)	Тол баргхўри
33.	<i>Cinara pini</i> (Linnaeus)	Арча шираси
34.	<i>Creontiades pallidus</i> (Rambur)	Ғўза қандаласи
35.	<i>Cydia pomonella</i> (Linnaeus)	Олма мевахўри
36.	<i>Delia florilega</i> (Zetterstedt)	Қовун майса пашшаси
37.	<i>Dericorys albidula</i> (Serville)	Катта саксовул букур чигирткаси
38.	<i>Diaphania pyloalis</i> (Walker)	Тут парвонаси
39.	<i>Doclostaurus maroccanus</i> (Thunberg)	Марокаш чигирткаси
40.	<i>Eotetranychus pruni</i> (Oudemans)	Боғ ўргимчакканаси

Т/р	Латин тилидаги номи	Давлат тилидаги номи
41.	<i>Epilachna chrysomelina</i> (Rossi)	Полиз кўнғизи
42.	<i>Eriophyes pyri</i> (Pagenstecher)	Шиш кўзтатувчи нок канаси
43.	<i>Eriosoma lanigerum</i> Hausmann	Кизил қон шираси
44.	<i>Eriophyes vitis</i> (Pgst.)	Ток канаси
45.	<i>Eriosoma ulmi</i> (Linnaeus)	Илдиз шираси
46.	<i>Erschoviella musculana</i> (Ershov)	Ёнғоқ мевахўри
47.	<i>Eurygaster integriceps</i> (Puton)	Зарарли хасва
48.	<i>Euzophera bigella</i> (Zeller)	Анор мевахўри
49.	<i>Frankliniella occidentalis</i> (Pergande)	Ғарб гул трипси
50.	<i>Grapholita funebrana</i> (Treitschke)	Олхўри мевахўри
51.	<i>Haplothrips tritici</i> (Kurd)	Буғдой трипси
52.	<i>Helicoverpa armigera</i> (Hubner)	Ғўза тунлами
53.	<i>Hoplocampa testudinea</i> (Klug)	Олма мева арракаши
54.	<i>Hypera postica</i> ( <i>Phytonomus variabilis</i> ) (Gyllenhal)	Беда баргфилчаси (фитономус)
55.	<i>Lepidosaphes ulmi</i> (Linnaeus)	Олма вергулсимон қалқондори
56.	<i>Leucoptera malifoliella</i> (Costa)	Дўлана гирдак куяси
57.	<i>Liriomyza sativae</i> (Blanchard)	Сабзавот ғовак ҳосил қилувчи пашшаси
58.	<i>Lobesia botrana</i> (Denis & Schiffermuller)	Шингил барг ўровчиси
59.	<i>Locusta migratoria migratoria</i> (Linnaeus)	Осиё чигирткаси
60.	<i>Lygus pratensis</i> (Linnaeus)	Дала қандаласи
61.	<i>Lymantria dispar</i> (Linnaeus)	Тоқ (тенгсиз) ипак қурти
62.	<i>Mamestra brassicae</i> (Linnaeus)	Карам тунлами
63.	<i>Melolontha afflicta</i> (Ballion)	Май бузоқ бош кўнғизи
64.	<i>Myiopardalis pardalina</i> (Bigot)	Қовун пашшаси
65.	<i>Myzus antirrhinii</i> ( <i>Myzus persicae</i> ) (Macchiati)	Яшил шафтоли ёки иссиқхона шираси
66.	<i>Ostrinia nubilalis</i> (Hubner)	Маккажухори парвонаси
67.	<i>Oulema melanopus</i> (Linnaeus)	Шилимшиқ қурт
68.	<i>Parlatoria oleae</i> (Colvee)	Бинафша рангли қалқондор
69.	<i>Panonychus ulmi</i> (Koch)	Қизил мева канаси
70.	<i>Parthenolecanium corni</i> (Bouche)	Акация сохта қалқондори
71.	<i>Phyllonorycter populiella</i> (Chambers)	Терак ғовак ҳосил қилувчи чипор куяси
72.	<i>Phytonemus pallidus</i> (Banks)	Кулупнай канаси
73.	<i>Pieris brassicae</i> (Linnaeus)	Карам оқкапалаги
74.	<i>Planococcus citri</i> (Risso)	Цитрус унсимон қурти
75.	<i>Planococcus vovae</i> (Nasonov)	Арча унсимон қурти
76.	<i>Plutella xylostella</i> (Linnaeus)	Карам куяси
77.	<i>Polyphylla tridentata</i> (Reitter)	Уч тишли бузоқ бош кўнғизи
78.	<i>Pterochloroides persicae</i> (Cholodkovsky)	Катта шафтоли тана шираси
79.	<i>Pyrrhalta tenella</i> (Linnaeus)	Кулупнай баргхўри
80.	<i>Rhagoletis cerasi</i> (Linnaeus)	Олча (гилос) пашшаси
81.	<i>Rhizoglyphus echinopus</i> (Fumouze & Robin)	Пиёз илдиз канаси
82.	<i>Rhyzopertha dominica</i> (Fabricius)	Омбор арракаши
83.	<i>Sitobion avenae</i> (Fabricius)	Катта ғалла шираси
84.	<i>Sitona macularius</i> (Marsham)	Майса узунбурун кўнғизи
85.	<i>Sitona lineatus</i> (Linnaeus)	Нўхат барг узунбурун кўнғизи
86.	<i>Sitophilus granarius</i> (Linnaeus)	Омбор узунбурини

Т/р	Латин тилидаги номи	Давлат тилидаги номи
87.	<i>Sitophilus oryzae</i> (Linnaeus)	Гуруч митаси
88.	<i>Sitotroga cerealella</i> (Olivier)	Дон куяси
89.	<i>Sparganothis pilleriana</i> (Denis & Schiffermuller)	Ток барг ўровчиси
90.	<i>Sphaerolecanium prunastri</i> (Boyer de Fonscolombe)	Олхўри сохта қалқондори
91.	<i>Spodoptera exigua</i> (Hubner)	Карадрина
92.	<i>Stephanitis pyri</i> (F)	Нок қандаласи
93.	<i>Tetranychus urticae</i> (Koch)	Оддий ўргимчаккана
94.	<i>Tettigonia caudata</i> (Charpentier)	Думли темирчак
95.	<i>Tettigonia viridissima</i> (Linnaeus)	Яшил темирчак
96.	<i>Thrips tabaci</i> (Lindeman)	Тамаки трипси
97.	<i>Trialeurodes vaporariorum</i> (Westwood)	Иссиқхона оққаноти
98.	<i>Tribolium castaneum</i> (Herbst)	Туғноғичсимон мўйловли мита
99.	<i>Tribolium confusum</i> (Duval)	Кичик ун митаси
100.	<i>Tuta absoluta</i> (Meyrick)	Помидор куяси
101.	<i>Xanthogaleruca luteola</i> (Muller)	Қайрағоч баргхўри
102.	<i>Yponomeuta malinellus</i> (Zeller)	Олма куяси
<b>II. Ўсимлик касалликлари</b>		
103.	<i>Agrobacterium tumefaciens</i> (Smith et Townsend) Conn.	Бактериал рак
104.	<i>Alternaria spp.</i>	Қўнғир доғланиш
105.	<i>Ascochyta rabiei</i> (Labrousse)	Аскохитоз касаллиги (нўхатда)
106.	<i>Botrytis cinerea</i> (Pers.)	Кулранг чириш
107.	<i>Diplocarpon rosae</i> (F.A.Wolf)	Атиргул қора доғланиши
108.	<i>Cercospora concors</i> (Braun & Crous)	Церкоспориоз
109.	<i>Cercospora vitis</i> (Spegazzini)	Церкоспориоз
110.	<i>Cladosporium fulvum</i> (Cooke)	Қўнғир доғланиш касаллиги
111.	<i>Clasterosporium carpophilum</i> (Law)	Тешикли доғланиш
112.	<i>Cochliobolus sativus</i> (Shoemaker)	Сариқ доғланиш
113.	<i>Colletotrichum lindemuthianum</i> (Briosi & Cavara)	Антракноз касаллиги (ловияда)
114.	<i>Coniferiporia qilianensis</i> (B.K.Cui, L.W.Zhou & Y.C.Dai)	Арчанинг чириш касаллиги
115.	<i>Cytospora schulzeri</i> (Saccardo & P. Sydow)	Цитоспороз
116.	<i>Cylindrosporium mori</i> (Lev.)	Тутнинг қўнғир доғланиш касаллиги
117.	<i>Erysiphe cichoracearum</i> (Heluta)	Ун шудринг (қовоқ экинларида)
118.	<i>Erysiphe graminis</i> (Ds.)	Ун шудринг
119.	<i>Erysiphe necator</i> (Schweinitz)	Оидиум (ун шудринг)
120.	<i>Erysiphe clandestina</i> (Biv.)	Қайрағоч дарахтининг ун-шудринг касаллиги
121.	<i>Fomitiporia punctata</i> (P.Karst.)	Арчанинг чириш касаллиги
122.	<i>Fusarium oxysporum</i> f. sp. <i>vasinfectum</i> ((Atk.) Snyder & Hansen)	Фузариоз касаллиги
123.	<i>Fusarium verticillioides</i> ((Saccardo) Nirenberg)	Фузариоз вилт
124.	<i>Fusarium roseum</i> (Link)	Гулларнинг фузариоз сўлиш (фузариоз вилт) касаллиги

Т/р	Латин тилидаги номи	Давлат тилидаги номи
125.	<i>Gioeosporium ampelophagum</i> (Sacc)	Токнинг антракноз касаллиги
126.	<i>Gymnosporangium confusum</i> (Plowright,)	Виргин арчаларининг занг касаллиги
127.	<i>Leveillula taurica feceris</i> (Lev.)	Ун шудринг касаллиги
128.	<i>Lophodermium pinus</i> (Chevallier,)	Шютте (игнабаргли дарахтлар касаллиги)
129.	<i>Melampsora populi</i>	Теракнинг занг касаллиги
130.	<i>Microsphaera alphitoides</i>	Эман дарахтининг ун-шудринг касаллиги
131.	<i>Monilia cinerea</i> . Bonard.	Монилиоз касаллиги
132.	<i>Monilia cydoniae</i> Schell.	Монилиоз касаллиги
133.	<i>Moniliafructigena</i> (Honey)	Монилиоз касаллиги
134.	<i>Oidium tuckeri</i> Berk	Оидиум касаллиги
135.	<i>Ophiognomonina leptostyla</i> (Fr.)	Ёнгоқнинг кўнғир доғланиш касаллиги
136.	<i>Peronospora destructor</i> (Berk.)	Пиёзнинг сохта ун-шудринг касаллиги
137.	<i>Podosphaera tridactyla</i> (Wallr.)	Олманинг ун шудринг касаллиги
138.	<i>Phoma macdonaldii</i> (Boerema)	Фомоз
139.	<i>Phyllactinia suffulta</i> f. <i>ulmi</i>	Қайрағоч дарахтининг ун-шудринг касаллиги
140.	<i>Phytophthora infestans</i> (Montagne) (de Bary)	Фитофтороз
141.	<i>Phytophthora cactorum</i> (Lebert & Cohn)	Манзарали кўчатларнинг чириши
142.	<i>Plasmopara halstedii</i> (Berlese & de Toni)	Пероноспороз (сохта ун-шудринг)
143.	<i>Plasmopara viticola</i> (Berlese & de Toni)	Милдью
144.	<i>Podosphaera leucotricha</i> (Ellis et Everharat) (Salmon)	Ун-шудринг
145.	<i>Pseudomonas cerasi</i> (Kaluzna)	Бактериал рак
146.	<i>Pseudomonas syringae</i> pv. <i>Mori</i> (Boyer)	Тутнинг бактериал доғланиш касаллиги
147.	<i>Puccinia striiformis</i> (Westendorp)	Сариқ занг
148.	<i>Puccinia triticina</i> (Eriksson)	Кўнғир занг
149.	<i>Piricularia oryzae</i> (Cavara)	Шолининг пирикуляриоз касаллиги
150.	<i>Podosphaera pannosa</i> (Wallr.)	Атиргул ва наъматакнинг ун-шудринг касаллиги
151.	<i>Rhizoctonia solani</i> (Kuehn,).	Оддий илдиз чириш
152.	<i>Septoria lycopersici</i> (Spegazzini)	Оқ доғланиш касаллиги
153.	<i>Synesielia juniperi</i> (Desm.) G. Arnaud	Арчанинг қора доғланиш касаллиги
154.	<i>Sphaeropsis malorum</i> (Berk.)	Қора рак
155.	<i>Sphaerotheca pannosa</i> Lev. f. <i>persicae</i> (Lev.)	Шафтолида ун-шудринг касаллиги
156.	<i>Taphrina deformans</i> (Berk.)	Шафтолининг барг бужмайиши касаллиги
157.	<i>Thielaviopsis basicola</i> (Berkeley & Broome)	Қора илдиз чириш
158.	<i>Tilletia laevis</i> (Kuehn)	Оддий қоракуя
159.	<i>Uromyces phaseoli</i> (F.)	Занг касаллиги (манзарали дарахт)
160.	<i>Uromyces dianthi</i> (Pers.)	Чиннигулнинг занг касаллиги
161.	<i>Urocystis cepulae</i> (Frost)	Пиёзнинг қоракуя касаллиги
162.	<i>Ustilago tritici</i> (Jensen)	Чанг қоракуя
163.	<i>Ustilago tritici</i> (Bjerk.)	Каттик қоракуя
164.	<i>Venturia inaequalis</i> (Winter)	Калмараз (парша) касаллиги
165.	<i>Verticillium dohliae</i> (Klebahn)	Вертициллёз вилт
166.	<i>Xanthomonas arboricola</i> Pv. <i>Juglandis</i>	Ёнгоқнинг бактериал куйиш касаллиги

Т/р	Латин тилидаги номи	Давлат тилидаги номи
167.	<i>Xanthomonas campestris</i> P.v. <i>Malvacearum</i>	Ғўзанинг гоммоз касаллиги
168.	<i>Xanthomonas malvacearum</i> (Dowson)	Гоммоз
<b>III. Бегона ўтлар</b>		
169.	<i>Amaranthus retroflexus</i> (Linnaeus)	Шўра
170.	<i>Avenafatua.</i> (Linnaeus)	Ёввойи сули
171.	<i>Abutilon theophrastii</i> (Medik)	Канатка
172.	<i>Alisma plantago-aquatica</i> (L.)	Зуптурум
173.	<i>Apera spica-venti</i> (L.)	Супурги ўт
174.	<i>Brassica napii</i>	Рапс
175.	<i>Brassicaceae</i> (Burnett)	Хантал
176.	<i>Brassica campestris</i> (L.)	Ёввойи турп
177.	<i>Bromus secalinus</i> (L.)	Шамак
178.	<i>Capsella bursa-pastoris</i> (Medicus)	Жағ-жағ
179.	<i>Convolvulus arvensis</i> (Linnaeus)	Қўйпечак
180.	<i>Cynodon dactylon</i> (Persoon)	Ажрик
181.	<i>Carduus acanthoides</i> L.	Тиканли кушқўнмас
182.	<i>Centaurea cyanus</i> (L.)	Сачратки
183.	<i>Cirsium amense</i> (L.)	Дала гусаласи
184.	<i>Cyperus rotundus</i> (Linnaeus)	Саломалайкум
185.	<i>Erysimum cheiranthoid.es</i>	Сарикўт
186.	<i>Euphorbia falcata</i> (L.)	Сутлама
187.	<i>Echinochloa crusgalli</i> (L.)	Ёввойи тарик
188.	<i>Elytrigia repens</i> (L.)	Бўғдойик
189.	<i>Galium, aparine</i> (L.)	Ёпишқоқ ўт
190.	<i>Hibiscus trionum</i> (Linnaeus)	Бўритарок
191.	<i>Hordeum murinum</i> (Linnaeus)	Ёввойи арпа
192.	<i>Lactuca serriola</i> (L.)	Сут чўпи
193.	<i>Lhenoplium album</i>	Олабута
194.	<i>Lolium perenne</i>	Райграс
195.	<i>Phragmites australis</i> (Steudel)	Қамиш
196.	<i>Portulaca oleracea</i> (Linnaeus)	Семизўт
197.	<i>Rumex crispus</i> (L.)	Откулоқ
198.	<i>Salicornia herbacea</i> (L.)	Қора шўра
199.	<i>Solanum olgae</i> (Pojark.)	Қизил итузум
200.	<i>Solanum nigrum</i> (L.)	Қора итузум
201.	<i>Solanum carolinense</i> (L.)	Оддий итузум
202.	<i>Stellaria neglecta</i> (Weihe)	Юлдузўт
203.	<i>Silena brachulica</i> (L.)	Эчки мия
204.	<i>Silybum marianum</i> ((L.) Gaertn)	Кушқўнмас
205.	<i>Sonchus arvensis</i> (L.)	Қоқи ўт
206.	<i>Setaria helvola</i> (L.f.)	Итқўноқ
207.	<i>Sorghum halepense</i> (Persoon)	Ғумай
208.	<i>Taeniatherum caput-medusae</i> (L.)	Қилтик
209.	<i>Typha latifolia</i> (L.)	Қалин барг қамиш
210.	<i>Vicia tetrasperma</i> (L.)	Ёввойи нўхат
211.	<i>Xanthium spinosum</i> (L.)	Чақир тикан
212.	<i>Xanthium strumarium</i> (L.)	Қўй тикан

<b>Т/р</b>	<b>Лотин тилидаги номи</b>	<b>Давлат тилидаги номи</b>
<b>IV. Нематодалар</b>		
213.	<i>Anguina tritici</i> (Steinbuch, 1799)	Бугдой ангуина нематодаси
214.	<i>Aphelenchoides besseyi</i> (Christie)	Гуруч нематодаси
215.	<i>Aphelenchoides fragoriorie</i> (Ritzema Bos, 1891) Christie et Steiner	Кулупнай нематода
216.	<i>Ditylenchus ongustus</i> (Butlek, 1913) Filipjev, 1936	Гуруч поя нематодаси
217.	<i>Ditylenchus destructor</i> (Thorne)	Картошка поя нематодаси
218.	<i>Ditylenchus dipsaci</i> (Filipjev)	Поя нематодаси
219.	<i>Heterodero glycines</i> (Ichinohe)	Соя нематодаси
220.	<i>Meloidogyne incognita</i> (Kofoid et White, 1919) Chitwood, 1949	Жанубий бўртма нематодаси
221.	<i>Meloidogyne arenaria</i> (Neal, 1889) Chitwood, 1949	Ерёнғоқ бўртма нематодаси
222.	<i>Meloidogyne javanica</i> (Treub, 1885) Chitwood, 1949	Ява бўртма нематодаси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 7 ” июн даги 311-сон қарорига  
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низомни ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 31 январдаги 68-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 22 январдаги 32-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

